



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам фахрийлар!  
Хурматли меҳмонлар!  
Аввало, барчангизни 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни билан, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 72 йиллиги билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сиз, азизларга ва сизларнинг тимсолингида бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилақларимни изхор этаман.

Барчамизга маълумки, Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуганиевич Каримовнинг ташаббуси билан 9 май санасини юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонлаш яхши анъанага айланиб қолди.

Мана шу улуғ айём кунинда ҳаммамиз энг аввало уруш майдонларидан қайтмаган минг-минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтираемиз.

Айни вақтда жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, бугун орамизда соғсаломат бўлиб юрган муҳтарам фахрийларимизга таъзим қилаемиз. Ҳозирги тинч-осойишта ҳаётимиз, муссафо осмонимиз учун уларга чексиз миннатдорлик билдираемиз.

Ҳеч шубҳасиз, бу даҳшатли уруш, бутун инсоният қатори, бизнинг халқимизга ҳам мислсиз кулфат ва йўқотишлар олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушида юзлаб юртдошларимиз Совет Иттифоқи Қахрамо-

ни унвонига сазовор бўлди, минглаб оталаримиз, боболаримиз жанговар орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Халқимиз фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намойён бўлди. Эл-юртимиз мамлакатнинг уруш бўлаётган ғарбий ҳудудларидан эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 1 миллионга яқин болалар, аёллар ва кексаларга бошпана бериб, бир бурда нонини улар билан баҳам қўрди.

(Давоми 2-бетда.)

## АЖДОДЛАР МАТОНАТИ ВА ЖАСОРАТИ АВЛОДЛАР УЧУН НАМУНАДИР

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда



9 май — Хотира ва Қадрлаш куни бўйи мамлакатимиз бўйлаб ўзгача руҳда нишонланмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 4 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёр-

гарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, юрт тинчлиги ва озодлиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасини ёд этишдек эзгу мақсадлар мужассам.

(Давоми 2—3-бетларда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

### АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КОМПЛЕКСНИНГ ХУДУДИЙ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодий тармоқлари корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришда уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ йўналтирилган ва тизимли ишлар олиб боришда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекс худудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини кучайтириш, шу асосда банд бўлмаган аҳолини, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қилиш мақсадида:

1. 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг худудий органлари раҳбарларини аҳоли бандлигини ошириш

учун моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш тизимини жорий этиш, унга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари аҳоли бандлиги ўсишининг тасдиқланган ҳар чорак прогноз кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — прогноз кўрсаткичлари) бажарилишини таъминлаган тақдирда уларга лавозим маошларининг 15 фоизи миқдоридан мукофот тўланади, прогноз кўрсаткичлари бажарилиши таъминланмаган тақдирда лавозим маошларининг 15 фоизи миқдоридан жарима шаклида интизомий жазо чоралари қўлланилади;

(Давоми 4-бетда.)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2017 йилнинг 11—13 май кунлари давлат ташрифи билан Хитойда бўлади.

ХХР Раиси Си Цзиньпин, Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Доимий қўмитаси Раиси Чжан Дэцян ва бошқа раҳбарлар билан учрашувларда ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ мудатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва изчил ривожлантиришнинг устувор йўналишлари муҳокама этилади. Томонлар минтақавий ва халқаро долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ташриф дастурида давлатимиз раҳбарининг Хитойнинг етакчи компания ва фирмалари вакиллари билан учрашуви режалаштирилган бўлиб, унда Ўзбекистонда замонавий технологияларни жалб этган ҳолда ўзаро фойдали қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилади.

Олий даражадаги музокаралар якунида Қўшма баёнот қабул қилиниши, Ўзбекистон – Хитой ўртасида турли соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган ҳукуматлараро, идоралараро битимлар ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган. Ташриф доирасида икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида катта ҳажмдаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий шартнома ва битимлар имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 14-15 май кунлари Пекин шаҳрида "Бир кутб, бир йўл" халқаро форумида иштирок этади.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистонга кўчириб келтирилган заводларда кексалар, аёллар, ўсмир болалар туну кун машаққатли меҳнат қилгани — ҳақиқий фидойилик, қахрамонлик намунаси, десак, асло хато бўлмайди.

Бундай мисоллар буюк Ғалаба биз учун нақадар қимматга тушгани, халқимиз дунёни фашизм балосидан халос этишга қандай қатта ҳисса қўшганини яққол кўрсатади.

Тарихнинг ана шундай бешафқат ва суронли синовларидан ёруғ юз билан, ҳар томонлама муносиб ўтган халқимизга ҳар қанча таъзим қилсак, ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Сиз, муҳтарам фахрийларимизнинг урушдан кейинги оғир тикланиш йилларида қандай буюк хизмат қилганингизни халқимиз асло унутмайди. Сизларнинг мардлик ва матонатингиз, меҳнат жасоратингиз бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолади.

Азиз дўстлар!

Шу кунларда одамларимиз юртимизда, барча вилоят ва туманларда барпо этилган Хотира майдонларига келиб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўймоқда. Урушда ҳалок бўлган ўз яқинлари, ота-боболари хотирасини ёд этмоқда. Бугунги ёруғ кунларга етиб келган табаррук кексаларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларини зиёрат қилиб, уларнинг дусини олмоқда.

Буюк Ғалабанинг 72 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда, барча шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб тадбирлар, уруш қатнашчилари билан учрашувлар, хотира маросимлари ўтказилмоқда.

Айни пайтда ҳаммамиз яхши тушунамизки, барчамизни тарбиялаб, воёга етказган, ҳаёт йўларида бизга таянч ва суюнч бўлган сиздек табаррук инсонлар олдида биз доимо қарздормиз. Шунинг учун ҳам ҳурматли нурунийларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жумладан, пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат қўмагини кучайтириш бундан кейин ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бу масала қаерда, қайси лавозимда ишласанин, юртимиздаги ҳар бир инсон, айниқса, раҳбарлар фаолиятида ҳаммиша биринчи ўринда туриши, уларнинг нафақат вазифаси, балки инсоний бурчига айланиши керак.

Азиз дўстлар, мўътабар оталаримиз, меҳрибон оналаримиз бошимиздаги тожи давлатимиз эканини ҳеч қачон унутмайлик. Бу ганимат, кўз очиб юмгунча ўтиб

кетадиган ҳаётда уларни қанча қадрлаб, имкон қадар умрларини узайтиришга қанча ҳаракат қилсак, икки дунёда асло кам бўлмаймиз.

Агарки мендан, дунёдаги қайси оила энг бахтли, деб сўрашса, мен ҳеч иккиланмасдан, кексалари бош бўлиб, иззат-ҳурматда ҳаёт кечираётган оила, деб жавоб берган бўлардим.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Мана шу қутлуг байрам кунларида бутун халқимиз бундай даҳшатли уруш энди ҳеч қачон қайтмасин, деб чин дилдан ният қилмоқда. Бугунги тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт учун шукрона билдирмоқда.

Дунёда турли қарама-қаршиликлар кескинлашиб, терроризм, экстремизм хавфи кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда тинчлик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Биз **“Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак”**, деган давлатнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда, тинчлик учун ҳар биримиз масъул эканимизни унутмасдан, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшашимиз керак.

Бизнинг қабул қилаётган барча қонун ва қарорларимиз, режа ва дастурларимиз — бу мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўладими, давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими, ҳуқуқ-тартибот, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия соҳалари фаолиятини такомиллаштириш бўладими, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш бўладими — буларнинг барчаси ана шундай эзгу мақсадларга қаратилганини, ўйлайманки, сизлар яхши тушунасиз.

Бугунги қутлуг айёмда ота-боболаримизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттириб, Ватан ҳимояси йўлида ўзини аямасдан, фидокорона хизмат қилаётган мард ва жасур аскарларимизга, офицер ва генералларимизга халқимиз номидан, ўз номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги даврамизда иштирок этаётган дипломатик корпус вакилларига, барча чет эллик меҳмонларимизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик-омонлик ҳамда равнақ тилайман.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар! Барчангизни 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни билан яна бир бор қутлаб, сизларга сихат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаллоҳ, халқимиз омон бўлсин! Эътиборингиз учун ташаккур.

## АЖДОДЛАР МАТОНАТИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ушбу ҳужжатлар ижроси юзасидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига Президентимиз табриги, 2 миллион сўмдан пул мукофоти, навбатсиз машина олиш учун сертификат топширилди, эҳтиёж-мандларга уй берилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадиий академия, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ҳимоячиларига бағишланган учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказилди. Бундай хайрли ишлар давом этмоқда.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар келган.

Соат 9.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кириб келади.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Мотамсаро она ҳайкали пойи турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакилла-

ри томонидан қўйилган гулларга бурканди.

Шу куни Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти боғида Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 72 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 500 нафар уруш ва меҳнат фахрийси таклиф этилди.

Боғ байрамона безатилган. «9 май — Хотира ва Қадрлаш куни», «Ғалаба байрамингиз муборак бўлсин!», «Юртимиз тинч, осмонимиз мусаллоҳ бўлсин!», «Ватан ўз қахрамонларини унутмайди» каби шiorлар ёзилган.

Боғ ичидаги майдонда 1941-1945 йиллардаги муҳит акс этган. Оқоп ва блиндажлар қурилган, ўша давр ҳарбий техника воситалари, қурол-аслаҳа намуналари жойлаштирилган. Жанг майдонларида халқимиз кўрсатган мардлик ва жасорат, урушдан қайтмаган минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси, ота-боболаримизнинг фронт орти меҳнат фаолияти акс этган.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли ижросида мусиқа янграмоқда...

Байрам тантанасида хозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.



2017-yil 10-may, № 37 (8998)

# ВА ЖАСОРАТИ АВЛОДЛАР УЧУН НАМУНАДИР

Президент Шавкат Мирзиёев минбарга тақлиф этилади.

Давлатимиз раҳбари бу ерга йиғилганларни, бутун халқимизни 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 72 йиллиги муносабати билан табриклади.

Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган, шундан 1,5 миллион киши урушда қатнашган. Улардан 500 мингдан кўпроги жанг майдонларида ҳалок бўлгани, яна қанча-қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанчаси бедарак йўқолгани ҳисобга олинмаган бўлса, бу ғалаба халқимиз учун нақадар қimmatта тушгани аққол намоен бўлади.

Халқимиз уруш йилларида чинакам матонат ва жасорат кўрсатган. Ўзбекистонга бир миллионга яқин киши эвакуация қилинган. Уларнинг 200 мингдан зиёди болалар бўлган. Юзлаб ўзбек оилалари бу болаларни ўз паноҳига олган. Тошкентлик Шомаҳмудовлар оила-

эълонни ўқиган овози янграйди. Йигитлар Ватан ҳимоясига отланади. Саҳна ортидаги улкан мониторда Иккинчи жаҳон уруши воқеалари тасвирланади.

— Байрам тантаналарида мустақиллик йилларида ҳаётимиз дастурига айланган инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ деган маъно-мазмун муҳасам бўлгани барчамизни қувонтирди, — дейди Шайхонтоҳур тумани Янги шаҳар маҳалласи фаоли Рихсивой Орипов. — Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз кўрсатган қахрамонликлар, ота-боболаримизнинг жасорати ва матонати куй-қўшиқларда, бадиий чиқишларда тараннум этилди. Мамлакатимиз вилоятларидан келган отахонлар дўстлари билан дейдорлашиб, ўтган умрини ёдга олди, бугунги ҳаётимизга шукроналик билдирди.

1941-1945 йиллардаги урушда ғалаба қозонишда мардлик ва матонат кўрсатган юзлаб юртдошларимиз ҳам юксак унвонлар-



кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган улкан ишлар акс этган лавҳалар намойиш этилди.

— Биз бахтли авлодимиз — шундай тинч-осойишта мамлакатда яшаймиз, — дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ўқитувчиси Лилия Усмонова. — Бунда

Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлари вакили Жанг Венчуан. — Унда ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган салмоқли ҳиссаси таъсирли воситаларда ифодаланган. Ўзбекистон ва Хитой ҳамisha тинчлик тарафдори бўлиб, бу борада халқаро доирада



си 14 нафар, каттақўрғонлик Самадовлар оиласи 12, бухоролик Жўраев ва Ашурхўжаевлар оиласи 8 нафардан болани ўз бағрига олган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

— 20 ёшимда урушга кетдим, 2-Беларусь фронтда хизмат қилдим, — дейди хоразмлик Марат Ёмғуров. — Ҳозир 97 ёшдаман. Бугунги байрам, Президентимизнинг эътибори кўнглимизни тоғдек кўтарди, ёшимизга ёш қўшди. Хизматдош дўстларимизни кўриб, ёшлигимиздаги қўшиқларга ўйнаб мaza қилдик. Бизнинг бундай тетиклигимиз замонамизнинг тинчлигидан, юртимизнинг ободлигидан. Шундай кунларга етказганига шукр. Илоҳим, элимиздан меҳроқибат, аҳиллик аримасин. Юртимиз ҳамisha тинч, халқимиз омон бўлсин!

Саҳнада ва улкан мониторда Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳаёт акс эттирилган.

...Ўзбекистон халқ артисти Тамарахоним ижро этган «Санамо» кўшиғи янграйди.

Уруш даврининг машҳур сундонди Юрий Левитанинг уруш бошлангани тўғрисидаги

га сазовор бўлган. Минглаб ота-боболаримиз бу йўлда ўз жонини фидо қилган. Уларнинг қахрамонлиги қалбларимизга фахр тўйғусини бағишлайди. Ўтганларнинг хотирасига бош эгиб таъзим қиламиз, ҳаёт бўлганларини эъзозлаймиз.

Байрам дастурида марҳум шоир ва санъаткорларимизнинг шеър ва қўшиқларига кенг ўрин берилгани Хотира ва Қадрлаш куни мазмун-моҳиятига мос тушган. Атоқли шоирлар Ҳамид Олимжоннинг «Кўлингга қурол ол», Фафур Фуломнинг «Сен етим эмассан», Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеърлари, Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достонидан ларчалар ўқилганда қалблар ларзага келди.

...Ўзбекистон халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова ижро этган «Уйғон, болам» кўшиғи янграйди.

...Уруш тугаб, ғалабага эришилгани эълон қилинади. 72 йил олдинги бу қувонч, сурур тадбир иштирокчиларини ҳам ҳаяжонга солди.

Мустақиллик йилларида Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти фахрийларини эъзозлаш, уларни моддий ва маънавий



бобо-бувиларимизнинг, барча нурунийларимизнинг ҳиссаси беқийс. Президентимиз таъкидлаганидек, уларга ғамхўрлик қилиш, умрларини узайтириш учун барча шароитларни яратиш ҳаммамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

— Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 72 йиллигига бағишлаб ўтказилган бугунги тадбир катта таассурот қолдирди, — дейди Хитой Халқ

бир-бирини кўллаб-қувватлаб келмоқда. Биз бу муносабатларни гоёта қадрлаймиз. Ўзаро ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонамиз.

Уруш йилларининг ситамли хотиралари, бугунги тинч-осойишта ҳаёт қадри акс эттирилган бадиий тадбир қатнашчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

ЎЗА



ЎЗА суратлари.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

# АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КОМПЛЕКСНИНГ ХУДУДИЙ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарларига, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига прогноз кўрсаткичлари бажарилиши таъминланган ҳақиқатда лавозим маошларининг 20 фоизи миқдорда мукофот тўланади, прогноз кўрсаткичлари бажарилиши таъминланмаган ҳақиқатда лавозим маошларининг 20 фоизи миқдорда жарима солинади.

### 2. Қуйидагилар:

Аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичларини бажарганлиги учун маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида 2017 йилнинг III ва IV чорагида аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда 2017 йилнинг III ва IV чорагида аҳоли бандлиги ўсишини таъминлаш ҳудудий прогноз кўрсаткичларини туман ва шаҳарлар кесимида тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йилдан бошлаб:

аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичлари республикамиз ҳудудлари кесимида ҳар чорак бўйича тақсимланган ҳолда, тасдиқланган ҳудудий ва тармоқ ривожланиш дастурларига мувофиқ ташкил қилинади-

ган доимий иш ўринлари кўрсаткичларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган ҳар йилги Аҳоли бандлиги дастурига киритилади;

аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичлари шаҳар ва туманлар кесимида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган ҳар йилги аҳоли бандлиги манзилли ҳудудий дастурларига киритилади.

4. Қуйидагилар белги-

лансин: маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва уларнинг биринчи ўринбосарларига ҳамда иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига мукофот ёки жарима ҳажмини белгилаш учун асос бўладиган аҳоли бандлиги ўсиши кўрсаткичларини аниқлашда банд аҳоли сонининг тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан ўзгариши ҳисобланади;

банд аҳоли сонини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаётган фуқаролар умумий сонини асосида аниқланади;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари ҳамда иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига мукофот бериши ва уларнинг ойлик маошидан жарима ундириши ҳар чорак прогноз кўрсаткичлари бажарилиши натижаларига кўра келгуси чорак давомида амалга оширилади.

5. Маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларини аҳоли бандлигини ошириш учун моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш чора-тадбирларини мувофиқлашти-

риш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) таркиби 3-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Комиссия (А.Н.Арипов): Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан прогноз кўрсаткичларининг ҳудудлар кесимида бажарилиши тўғрисида киритилган маълумотлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарларига нисбатан уларни моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш чораларини қўллаш ҳақидаги масалани ҳар чорак якунлари бўйича кўриб чиқсин;

аҳоли бандлиги прогноз кўрсаткичларини бажариш учун моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятни кучайтириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар, шунингдек, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо қўллаш бўйича тегишли чоралар кўриш тўғрисида тақлифлар киритсин.

Комиссияга, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг прогноз кўрсаткичлари амалда бажарилиши динамикасида келиб чиққан ҳолда ишлаб чиққан асосланган тақлифлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида тасдиқланган 2017 йилнинг III ва IV чорагида аҳоли бандлиги ўсиш прогноз кўрсаткичларига ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Белгилансинки, прогноз кўрсаткичлари бажарилганлиги учун мукофотлар тўлаш, бажарилмаганлиги учун лаво-

зим маошларидан жарималар ундириш куйидаги тартибда амалга оширилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда уларнинг биринчи ўринбосарларига — Комиссиянинг тақдимномаси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида;

шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда уларнинг биринчи ўринбосарларига — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари қарорлари асосида;

иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига — иқтисодий комплекснинг республика органлари раҳбарлари қарорлари асосида.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари, шунингдек, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига мукофотлар тўлаш манбаи бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди ҳисобланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарлари ўз иш фаолиятида иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектларига улар фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни, жумладан, жойларга чиққан

ҳолда тизимли ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиш, шу асосда банд бўлмаган аҳолини, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қилишга қатъий ва сўзсиз роя этсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари, шунингдек, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарлари узлуксиз икки чорак давомида ёки йил давомида уч чоракда прогноз кўрсаткичлари бажарилмаганлиги тақдирда уларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлари қониқсиз, деб топилиши ва эгаллаб турган лавозимларига нолойқлиги масаласи кўриб чиқилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатда иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларининг аҳоли бандлиги ошишини таъминлашда моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини ошириш тартибини, жумладан, тегишли прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва унинг бажарилишини назорат қилишни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 6 май

Ш.МИРЗИЁЕВ

2017-yil 10-may, № 37 (8998)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Қабул қилинган қарор янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодий тармоқлари корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришда уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ йўналтирилган ва тизимли ишлар олиб боришда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини кучайтириш, шу асосда банд бўлмаган аҳолини, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган.

Қарорга мувофиқ 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб жойлардаги раҳбарларни моддий рағбатлантириш ва уларнинг шахсий масъулиятини кучайтиришнинг принципиал жиҳатдан янги тизими жорий этилмоқда. Унга кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларига аҳоли бандлиги ўсишининг тасдиқланган ҳар чорақ прогноз кўрсаткичларини бажарганлиги ёки бажармаганлиги учун лавозим маошининг 15 фоизи миқдоридан мос равишда мукофот берилди ёки жарима солинади, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарларига ҳамда иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларига эса улар лавозим маошларининг 20 фоизи миқдоридан худди шундай мукофотлаш ёки жарима солиш чоралари қўлланилади.

Қарорнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, унда аҳоли бандлиги ўсишининг мезони сифатида аҳолини давлат ижтимоий сугурта ҳамда меҳнат ва пенсия қонунчилиги тизимлари билан қамраб олинган доимий, барқарор ишга жойлаштирилиши белгиланган. Айнан шундай бандлик шакли меҳнат кафолатларини ҳимоялаш, пенсия тўловларини амалга ошириш учун меҳнат стажини ҳисобга олиш, уй-жой со-

тиб олиш ва олий таълим муассасаларида ўқиш учун олинган кредитларни тўлашда солиқ имтиёзларига эга бўлиш ҳамда аҳолининг кундалик ҳаётида зарур бўладиган бошқа амалдаги қонунчилик меъёрларидан фуқароларимиз тўлақонли фойдаланишига барча имконият яратилди.

Шу муносабат билан қарорда жойлардаги раҳбар ходимларга мукофот бериш ёки уларнинг лавозим маошларидан жарима ундириш миқдорини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўлаётган аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳисобга олиниши белгилаб қўйилган.

Аҳоли бандлиги ўсишининг мамлакатимиз ҳудудлари, туман ва шаҳарлари кесимида прогноз кўрсаткичлари 2018 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган Аҳоли бандлиги дастури ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари билан тасдиқланган аҳоли бандлигининг манзилли ҳудудий дастурлари билан белгиланади. 2017 йилнинг учинчи ва тўртинчи чорақларида аҳоли бандлиги ўсишининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида прогноз кўрсаткичлари қабул қилинган мазкур қарор ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг тегишли қарорлари билан тасдиқланади.

Қайд этиш муҳимки, мазкур қарор билан Аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичларини бажарганлиги учун маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди ва ушбу низомда аниқ ва тасдиқланган маълумотларга асосланган ҳолда тегишли раҳбарларга нисбатан рағбатлантириш ёки интизомий жазолаш чоралари қўллашнинг аниқ, равшан ва шаффоф механизмининг жорий этиш кўзда тутилди.

Шунингдек, низомда банд бўлган аҳоли сони ва унинг ўсиши тўғрисидаги маълумотлар солиқ хизмати органлари ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлар базасидаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўловчи жисмоний шахсларнинг идентификация рақами (СТИР) асосида шакллантирилади.

Низомга мувофиқ меҳнат ҳудудий бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқармаси аҳоли бандлиги ўсиши прогноз кўрсаткичларининг бажари-

рилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорақда шакллантириб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари олинган маълумотлар асосида уч иш куни давомида туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда уларнинг биринчи ўринбосарларини мукофотлаш ёки уларнинг лавозим маошларидан жарима ундириш тўғрисида қарор қабул қилишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси олинган маълумотлар асосида уч иш куни давомида аҳоли бандлиги ўсишининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги ахборотни ҳар бир ҳудуд бўйича шакллантириб, мазкур қарор билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Бош вазир раислигида махсус ташкил этилган Маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларини аҳоли бандлигини ошириш учун моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича комиссияга тақдим этишлари лозим.

Низомга кўра Комиссия олинган маълумотлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини ва уларнинг биринчи ўринбосарларини моддий рағбатлантириш ёки уларнинг шахсий масъулиятини ошириш чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқади.

Шунингдек, тасдиқланган низомга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Марказий банкга бир ой муддатда аҳоли бандлиги ўсишини таъминлаш учун иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларини моддий рағбатлантириш ва уларнинг шахсий масъулиятини ошириш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топшириғи юклатилган.

Бунда иқтисодий комплекснинг тегишли ҳудудий органлари раҳбарлари учун аҳоли бандлиги ўсишининг кўрсаткичлари ва мезонлари сифатида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида ишга туширилган лойиҳалари, хусусийлаш-

тирилган корхоналарни ривожлантиришнинг "йўл хариталари" ва тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, яқна тартибдаги ва оилавий тадбиркорликни, шахсий томорқа ва дехқон хўжалиқларини ривожлантириш бўйича ишга жойлаштирилган фуқаролар ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, касб-ҳунарга қайта ўқитиш ва жамоат ишларига жалб этиш ҳисобига ишга жойлашган аҳоли сони қабул қилиниши лозим.

Алоҳида қайд этиш лозимки, қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг биринчи ўринбосарлари, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарлари ўз иш фаолиятида иқтисодий тармоқлари корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектларига улар фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни, жумладан, жойларга чиққан ҳолда тизимли ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиш, шу асосда банд бўлмаган аҳолини, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қилишга қатъий ва сўзсиз риоя этиш тўғрисида топшириқлар берилган.

Шу билан бирга, қарорда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларининг аҳолини иш билан таъминлаш бўйича шахсий масъулиятини кучайтириш тўғрисида меъёр кўзда тутилган бўлиб, унга кўра тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари узлуксиз икки чорақ давомида ёки йил давомида уч чорақда бажарилмаган тақдирда уларнинг эғаллаб турган лавозимларига нолийқлиги масаласи кўриб чиқилади.

Мазкур қарорнинг амалга оширилиши натижасида қуйидагиларга:

биринчидан, аҳолининг барқарор бандлигини таъминлашда тизимли ва аниқ йўналтирилган ишларни амалга ошириш учун маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларига керакли рағбатлантириш чораларини яратиш ва уларнинг шахсий масъулиятини кучайтириши;

иккинчидан, давлат ижтимоий сугуртаси, меҳнат ва пенсия қонунчилиги тизимининг барча афзалликлари билан тўлиқ қамраб олинган доимий иш ўринлари ҳисобига аҳоли бандлиги ўсишига;

учинчидан, барқарор бандликни рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш орқали аҳоли даромадлари ошишига ва турмуш даражаси сифати яхшиланишига, солиқ тushumlari ва пенсия ажратмалари базасини кенгайтиришга имкон яратилади.

# Xayr, maktab – salom, kollej!

9-sinf bitiruvchilarini ta'limning keyingi bosqichiga kuzatish hamda o'quv yilining yakuniga bag'ishlangan tadbirlarni o'tkazish yuzasidan tavsiya

**Toki yuringingizda o't, bilagingizda kuch-qudrat bor ekan, O'zbekiston jahon hamjamiyatida o'z o'rnini egallab borayotgan bugungi kunda "Biz kimmiz, kimlarning avlodimiz?" degan da'vatga hamisha munosib bo'ling.**  
Islom Karimov

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev: "Yosh avlodni salohiyatli kadrlar etib tarbiyalashdagi birinchi bosqich – maktab ta'limini tubdan takomillashtirish, ilmiy kadrlar va malakali mutaxassislar tayyorlash jarayonining uzluksizligini ta'minlash zarur. Bu yo'lda hech narsani ayamaymiz", degan edi. Zero, bu so'zlarning zamirida yosh avlodning baxtli kelajagi yotadi. O'quvchi-yoshlar zimmasiga ham mustaqil hayotda o'z o'rnini topishi, yurtimiz kelajagi uchun o'z hissasini qo'shish kabi mas'uliyat yuklanadi.

O'quvchi-yoshlarga mustaqil hayotga yo'llanma berish hamda o'quv yilining yakuniga bag'ishlangan "Xayr, maktab – salom, kollej!" tadbirlari 25-may kuni respublikamizdagi barcha umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'tkaziladi. Mazkur tadbir nafaqat o'quvchilar balki o'qituvchilar, ota-onalar uchun ham esda qolarli, hayajonli damlar hisoblanadi.

Tadbirda "Kamolot" YIH, "Kamalak" tashkiloti, ota-onalar qo'mitasi, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari vakillari, tuman(shahar) XTMFMTEB, mahalliy hokimliklar vakillari hamda mahalla faollari, sobiq o'quvchilar, maktab homiyilarini taklif etish maqsadga muvofiq.

Tadbir mohiyatini yurtimiz ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar mazmunini targ'ib etishga, mafkuraviy immunitetini mustahkamlashga va o'quvchi-yoshlarni ijtimoiy hayotga tayyorlash, ma'naviy-ma'rifiy rivojlantirishga yo'naltirish maqsadga muvofiqdir.

**Dasturni ishlab chiqish.** Boshlang'ich sinf o'quvchilari ham ishtirok etishini inobatga olib, dasturni 30-35 daqiqaga mo'ljallash lozim.

Shuningdek, Xalq ta'limi vazirligining buyrug'i bilan tasdiqlangan vazifalarga asoslanib, taklif etilgan mehmonlar, ota-onalar uchun qulay joy tanlash, sanitariya-gigiyena, yong'in va texnika xavfsizligi qoidalariga rioya qilish zarur.

**Hududni bezatish.** Tadbir o'tkaziladigan joyni gul va sharlar bilan bezatish, maktab hududiga quyidagi shior va chaqiriqlarni ilib qo'yish tadbir ta'sirchanligini oshiradi:

➤ "Yuksak ma'naviyatli, mustaqil fikrlaydigan, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarini puxta egallagan yoshlarni tarbiyalash, ularda milliy va umuminsoniy qadriyatlariga hurmat hissini yuksaltirish, farzandlarimizning qalbi va ongida mafkuraviy immunitetni shakllantirishdan iborat";

➤ "Hozirgi vaqtda yoshlar tarbiyasi biz uchun o'z dolzarbligi va ahamiyatini hech qachon yo'qotmaydigan masala bo'lib qolmoqda";

➤ "Biz ta'lim va tarbiya tizimining barcha bo'g'inlari faoliyatini bugungi zamon talablari asosida takomillashtirishni o'zimizning birinchi darajali vazifamiz deb bilamiz".

Shavkat Mirziyoyev

➤ "Farzandlarimiz bizdan ko'ra kuchli, bilimli, dono va albatta baxtli bo'lishlari shart!";

➤ "Marrani doimo baland olib yashang, ertangi kun bizniki, sizdek shijoati yoshlarimizniki!";

➤ "Jondan aziz Vatanimizning taqdiri, kelajagimiz bugun unib-o'sib kelayotgan yosh avlodga, uning jismoniy va ma'naviy kamolotiga bog'liq";

➤ "Bizning eng katta ishonchimiz, madad-tayanchimiz – bu o'sib kelayotgan yosh avlodimizdir".

Islom Karimov

Yil davomida fan to'garaklarida o'quvchilar tomonidan tayyorlangan buyumlar, tikilgan va to'qilgan qo'l mehnati namunalari, devoriy gazeta, tuman (shahar), viloyat hamda respublika miqyosidagi ko'rik-tanlov, fan va sport musobaqalarida maktab jamoasi, o'quvchilar egallagan sovrinlar, o'quvchilarni kasbga yo'naltirishga doir ko'rgazma tashkil etish mumkin.

**Tadbirning ochilish qismi.** O'zbekiston Respublikasi Davlat madhiyasi sadolari ostida davlatimiz bayrog'i ko'tariladi. Ishtirokchilar madhiyamizni jo'rovob bo'lib ijro etishadi. Boshlovchilarning tabrigi va tilaklaridan keyin maktab rahbari muassasaning o'quv yili davomida erishgan yutuqlari, reyting ko'rsatkichlari, 9-sinf bitiruvchilarining yutuqlari, kelgusidagi ustuvor rejarlar haqida gapiradi.

**O'quvchilarni rag'batlantirish.** Yil davomida a'lo baholarga o'qigan, yuqori ko'rsatkichlarga erishgan iqtidorli o'quvchilarni taqdirlash tadbir saviasini oshiradi. Xususan, "Olimpiada g'olibi", "Bilimlar bellashuvi bilimdoni", "Eng faol

o'quvchi", "Eng a'lochi o'quvchi", "Eng faol sinf", "Ijodkor o'quvchi", "Ingliz til bilimdoni", "Maktabimiz faxrii", "Sport ustasi", "Eng orasta qiz" kabi nominatsiyalarni ta'asis etib, g'oliblarni byudjetdan tashqari ishlab topilgan va homiylik mablag'lari hisobidan yanada puxta bilim egallashga, sport bilan shug'ullanishga, kasb-hunar egallashga undaydigan sovg'a, sifndan tashqari to'garaklarda tayyorlangan nishonlar bilan taqdirlash mumkin. Kam ta'minlangan, ijtimoiy himoyaga muhtoj, jismoniy imkoniyati cheklangan bolalarga alohida e'tibor ko'rsatish tavsiya etiladi.

**Ota-onalarga tashakkurnoma bildirish.** Maktab hayotida faol ishtirok etayotgan, odob-axloqi, intiluvchanligi bilan tengdoshlariga o'rnak bo'layotgan o'quvchilarning ota-onasini ma'naviy rag'batlantirish ta'lim-tarbiya sifatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Xususan, "Eng faol ota", "Jonkuyar ona", "Mas'uliyatli ota-onalar", "A'lochi o'quvchi otasi", "Bilimli qiz onasi", "Namunal o'na", "Jonkuyar bobo", "Mehribon buvi", "Tashabbuskor buvi" kabi nominatsiyalar hamda Xalq ta'limi vazirligi, hududiy xalq ta'limi boshqarmalari, tuman(shahar) XTMFMTEB va maktab direktorlari nomidan tashakkurnoma bildiriladi. Ushbu sharafiga munosib ota-onalar ro'yxati sinf rahbarlari va direktor o'rinbosarlari tavsiyasi asosida shakllantiriladi.

**9-sinf bitiruvchilarini qutlash.** Maktab pedagogik kengashi, ota-onalar qo'mitasi va "Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakatining bitiruvchi o'quvchilarga tabrigi o'qib eshittiriladi. Tabrik matnida yurtimiz, ustoz-murabbiylar va ota-onalarning yoshlardan umidi katta ekanini ifodalovchi, ularni yuksak marralarga undovchi so'zlar aks etishi maqsadga muvofiqdir.

Jumladan, maktab pedagog xodimlari, sinf rahbarlari o'z nutqida 9-sinf bitiruvchilari, ayniqsa, qizlarning ta'limning keyingi bosqichiga qamrab olinishiga hukumatimiz tomonidan alohida e'tibor qaratilayotgani, ular o'zi tanlagan kasb-hunarlar bo'yicha akademik litsey va kasb-hunar kollejlarda chuqur bilim egallab, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimida jonjon maktabi sha'ni ko'tarish va ustozlari o'g'itini hayotga tatbiq etish kabi ezu niyatlarini amalga oshirishi lozimligi uqtiriladi.

O'quvchilarga davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan ishlab chiqilgan 2017–2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishidan biri mamlakatimizda ijtimoiy sohani rivojlantirishga qaratilganligi, mazkur yo'nalish ta'lim va fan sohasini rivojlantirish, yoshlarga oid davlat siyosati

amalga oshirish kabi muhim vazifalarni o'z ichiga olganligi, mehnat bozoriga zamonaviy ehtiyojga mos yuqori malakali kadrlarni tayyorlash kabi keng qamrovli chora-tadbirlarni amalga oshirish ko'zda tutilganligi to'g'risida qisqacha ma'lumot beriladi.

Shuningdek, yurtimizda hukm surayotgan tinchlik, o'zaro hurmat, mehr-oqibat va ahillikni yanada mustahkamlash, yoshlarimizning ongi va qalбини zararli oqim va ta'sirlardan saqlash, oilalarda, mahallalarda olib borayotgan tarbiyaviy ishlarimizni yangi bosqichga ko'tarishni bugun tobora keskinlashib, murakkablashib borayotgan hayotning o'zi barchamizdan talab etayotganligi haqida ta'kidlab o'tish lozim. Shu bilan birga sinf rahbarlari bitiruvchilarni ta'limning keyingi bosqichida ham doimo qo'llab-quvvatlab, kasb-hunar ta'limi muassasalariga pedagog xodimlari bilan hamkorlikda ish olib borishga tayyor ekanini ta'kidlashadi.

Shundan so'ng faol o'quvchilar so'z olib, o'zlariga bildirilayotgan yuksak ishonchni oqlash maqsadida kelgusida qaysi kasb-hunarlarini egallab, davlatimiz va jamiyatimiz taraqqiyotiga qanday hissa qo'shmoqchiligini to'g'risida gapiradi.

**Tantanal qism va 9-sinf bitiruvchilarini ta'limning keyingi bosqichiga yo'llash.**

Tadbirning badiiy qismida maktabning drama, musiqa, xor, vokal va boshqa to'garak a'zolari, boshlang'ich sinf o'quvchilarining chiqishlari tadbirda o'ziga xos ko'tarinkilik bag'ishlaydi. Shundan so'ng, maktab rahbari 9-sinf bitiruvchilariga yakuniy davlat attestatsiyalarini muvaffaqiyatli topshirishda omadlar tilab, rasmiy tadbirni yakunlaydi.

9-sinf bitiruvchilarini kasb-hunar kollejlari va akademik litseylarga to'liq qamrab olish maqsadida hududlardagi mavjud iqtisodiyot tarmoqlari va sohalarda talab yuqori bo'lgan kasb va mutaxassisliklar to'g'risida bitiruvchilarga to'liq ma'lumot berish, ularning o'zlarini tanlagan kollej va akademik litseylarga ota-onasi va o'qituvchilari hamrohligida tashrif buyurib, u yerdagi shart-sharoitlar bilan tanishuvini tashkil etish tavsiya etiladi.

**Tadbirlarni o'tkazish jarayonida o'quvchi va bitiruvchilardan pul mablag'lari yig'ish, maktab rahbarlari hamda o'qituvchilarga qimmatbaho sovg'alar taqdim etish, xonadon, restoran va qahvaxonalarda tantanal kechalar o'tkazish qat'iy tanqilganadi. Bu borada barcha javobgarlik shaxsan maktab rahbarlari zimmasiga yuklatiladi.**

Respublika ta'lim markazi

## Ёшларни касбга йўналтиришга масъулмиз

Баркамол ва соғлом авлод-ни камолга етказиш барчамизнинг ягона мақсадимиз. Бу мақсадга эришишимиз учун ота-оналар, маҳалла фаоллари, касб-хунар таълими муассасалари билан муштақкам ҳамкорликни йўлга қўйишимиз лозим. Бу йил мактабимизнинг 9-синфини 92 нафар ўғил-қиз битириш арафасида турибди. Ўқув йили ниҳоятда бораётган айни кунларда битирувчиларимизни академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олишдек долзарб вазифага тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда. Бу борада ўқувчилар ва ularнинг ота-оналари билан суҳбатлар уюштириб, ёшлар ўзлари қизиққан касб-ларига бўйича таълим муассасаларига йўналтирилмоқда.

Ёшлар тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор сабаб мактабимиздаги 1045 нафар ўқувчига тажрибали ва фидойи муаллимлар сабоқ беради. Ўқувчиларимиз мана бир неча йилдирики, инглиз тили фанидан шаҳар ва республика олимпиадаларида юқори натижаларга эришиб келмоқда.

Албатта, бундай муваффақиятларга эришишда фан ва касб-хунар тўғрисидаги спорт секцияларида ўқувчиларга чуқур билим берилаётгани, машғулотларни олиб бориш учун кенг шароит яратилгани муҳим омил бўлмоқда.

Бугун ёш авлодга, ularнинг таълим-тарбиясига эътибор давлатимизнинг энг устувор вазифалари қаторида турганлигини барчамиз яхши била-

миз. Ўқувчи-ёшларимизнинг муштақил фикрлайдиган, юксак интеллект ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши учун бор имконият ва куч-ғайратимизни ишга солмоқдамиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ёш авлод маънавий дунёсининг бойишида китобнинг ўрни ниҳоятда катта. Шундай экан, ёшларимиз бадий адабиёт мутолаа қилиб, фикрлаш доирасини кенгайтириши, дунёқарашини ўстириши зарур. Ўқувчиларнинг бадий адабиётга қизиқишини ошириш, бадий асарлар ўқиб, маънавий-тини бойитиши учун ўқитувчилар ота-оналар билан баҳам-жихат иш олиб бормоқда. Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотла-



Ота-оналар педагоглар билан доимий мулоқотда.

рини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги фармойишда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари"

хайрия тadbirlari ўтказилиб, китобхонлик акциясида ўқувчилар ва ота-оналарнинг фаол иштироки таъминланди.

**Азиза ТЕМИРОВА,**  
Тошент шаҳридаги  
91-ихтисослаштирилган  
давлат умумтаълим  
мактаб директори

2017-yil 10-may, № 37 (8998)

Кўқон педагогика коллежи "Ораста қизлар" тўғараги машғулоти Кўқон шаҳридаги "7-Ялангоч ота", "9-Қаландархона" маҳаллаларида, "Аёллар маслаҳатхонаси"да олиб борилади. Маслаҳатхона мутахассиси Улмасхон Мақсудова билан биргаликда белгиланган жадвал асосида тадбирлар ташкил этилиб, оила тутиши, саришталик, орасталик, бола парвариши ҳақида мунтазам суҳбатлар ўтказилади. Коллежда 2015 йили битта эрта никоҳ қайд этилган эди. Эрта никоҳнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилган, 2016 йили бундай ҳодиса кузатилмади.

## Самарали ҳамкорлик

Ўқувчиларнинг сифатли билим олиши ва касб-ҳунар эгаллашига хизмат қилаётир

"9-Қаландархона" маҳалласининг диний маърифий ва маънавий-ахлоқий ишлар бўйича маслаҳатчиси Дилбархон Исмоилова коллеж билан ҳамкорлик ҳақида шундай дейди:

— Асосий вазифамиз қизларни оилага тайёрлаш, уларни ўз соғлиғига эътиборли бўлишга ўргатиш, саранжом-саришталик бўйича тушунчалар беришдир. Қиз бола мисоли гул. Унинг униб-ўсиши, жамиятда ва оилада ўз ўрнини топиши, аввало, оиладаги тарбияга, сўнг у таълим олаётган даргоҳга боғлиқ. Биз коллеж билан ҳамкорликда "Ораста қизлар" тўғараги машғулотида маҳалла отинийси, кўпни кўрган онахонлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, шаҳар ҳокимлиги вакиллари, тадбиркорларни таклиф этамиз. Давра суҳбатларида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олади. Тарбия насихат қилиш эмас, намуна кўрсатиш, дейишдади. Шу маънода, ўқувчи, қизлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, ишлаб чиқариш цеҳига эга тадбиркор аёллардан ўз бизнесини йўлга қўйиш, маҳаллада обу-эътибор топган ёши улуг аёллардан бола парвариши, рўзгор тутиш, пазандачилик сирларини ўрганмоқда. Синфхоналарда ўтилган машғулотлар билан давра суҳбати тарзида ўтказилган машғулотларнинг фарқи бор, албатта. Бу каби учрашувларда қизлар кўпроқ маълумот олиш баробарида ўз олдларига катта мақсадларни қўйишяпти.

— Бугунги кун ўқувчиси камида икки ёки учта чет тилини билиши лозим, — дейди коллежнинг инглиз




тили фани ўқитувчиси Маҳфуза Рўзаева. — Дарсдан сўнг "Инглизча гаплашамиз" тўғарагини олиб бораман. Унда асосан чет тилида сўзлашамиз. Ўқувчиларнинг чет тилига қизиқишини ошириш мақсадида интернет тармоғидан олинган маълумот ва ўқув фильмларидан унумли фойдаланаман.

Коллежда фаолият юритаётган "Чевар қиз" тўғарагида ўқувчилар тикувчилик бўйича олган билимларини янада мустаҳкамлаётир. Замонавий русумдаги тикув машиналари ўқувчилар ихтиёрида. Тўғаракка 18 йиллик иш тажрибасига эга педагог Гулчехра Қобилова раҳбарлик қилади.

— Тўғарагимиз эъзоси Мадина Усмонжонова "Маънавиятли ёшлар — юрт келажаги" танловининг вилоят босқичида 2-ўринни кўлга киритди, — дейди Гулчехра Қобилова. — У ўзи тиккан турли буюмлар кўргазмасини аввал коллеж, сўнг шаҳар миқёсида ташкил этди.

Коллеж ўқитувчиларидан Анвар Эсоновнинг "Ёш математик", Муҳаббат Мухторованинг математика, Бахтиёр Обидованинг физика, Шахноза Каримованинг "Инглизча сўзлашамиз", Саида Мамажонованинг рус тили, Феруза Қодированинг "Ёш нотиклар" тўғараги фаолияти шаҳар ва вилоят миқёсида оммалаштирилгани билан жамоат ахли фахрланади.

Шарифа МАДРАХИМОВА,  
"Ma'rifat" муҳбири



"Next" кўнгилоҷар савдо мажмуасида жойлашган илмий лабораторияда илмий ходимлар ва Шайхонтоҳур туманидаги таълим муассасаларининг кимё фани ўқитувчилари иштирокида семинар ташкил этилди.

Жараёнда ўқув дарсликларига берилган мураккаб мавзуларни ўқувчиларга амалий тушунтириш бўйича фикр алмашилди. Дарсликлардаги фан юзасидан берилган назарий маълумотлар лаборатория жараёнларида таҳлил этилди.

Семинарда ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини бойитиш, фикр алмашиш ва ёш мутахассисларнинг илмий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди, — деди "Next" илмий лабораторияси ходими Босит Усмонов.

Зиёда ТОШЕВА,  
Шайхонтоҳур тумани ХТМФМТЭБ  
табиий фанлар методисти.  
Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат

## Ишбилармонлик — тараққиёт омили

Қарши агробизнес ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежини 10 та мутахассислик бўйича мингга яқин йигит-қиз битириб, кўпи тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Билим даргоҳида тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси асослари фани умумқасбий курс сифатида 2— ва 3-босқич ўқувчиларига ўтказилди. Бу фанни ўқитишда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг мазмун-моҳияти ва мақсади, бизнесни самарали бошқариш, молиялаштириш ҳамда суғурта, солиққа тортиш, тадбиркорлик фаолиятида маркетинг, бизнес режалар тузиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш тизимини ривожлантириш ва касбий муваффақиятларга эришишда ўқувчиларнинг шахсий билим, кўникма ҳамда малакаларини шакллантиришга оид билимларнинг қамраб олинишига қаратилган.



— Дарслар максус фан хоналарида янги педагогик технологиялар асосида турли интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда олиб борилади, — дейди тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси асослари фани ўқитувчиси Гулноз Очилова. — "Кейс-стади", "Кичик гуруҳларда ишлаш", "Баҳс-мунозара", "Бизнес-практикум", "Бизнес-ўйин" ва бошқа усуллар шулар жумласидандир. Турли психологик тестлар ёрдамида ўқувчиларнинг тадбиркорлик салоҳияти баҳоланиб, қизиқиш ва қобилияти аниқланади ва "Бизнес клуб"га аъзоликка қабул қилинади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий харақати Қашқадарё вилояти кенгаши ҳамда қатор манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Бизнес клуб" аъзолари учун бизнесни бошлаш ва расмийлаштириш, сармояни шакллантириш, солиқ тўлаш тартиблари, кредит олиш шартлари, тадбиркорлик соҳасидаги имтиёз ва янгилликлар бўйича давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Клубдаги қўшимча машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг тадбиркорлик қобилияти янада сайқал топмоқда.

Ўтган йили "Камолот" ЁИХ вилоят кенгаши ва Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган "Менинг бизнес гоям" кўрик-танловида коллеж битирувчиларидан Исомбек Тоиров, Зафар Ботиров, Асомиддин Акрамов, "Тадбиркорлик билан келажақ сари" лойиҳаси доирасидаги кўрик-танловда эса Сирож Холматов ўз бизнес лойиҳаси билан голиб бўлди. "Диплом билан бизнесга" кўрик-танловида коллежнинг яна би битирувчиси Холиқ Ҳасановнинг кўри баланд келди. Голиблар "Асакабанк"нинг Қашқадарё вилояти филиалидан имтиёзли кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

Ёш тадбиркор Умиджон Асадов ҳам шу коллеж битирувчиси. У Қарши шаҳридаги "Арабхона" маҳалласида истиқомат қилади. У ўзи яшаётган ҳудудда "Аслбек паррандачилик" кичик корхонасини ташкил этиб, 11 миллион 200 минг сўм кредит олиб иш бошлади. Ўз билим ва тажрибасига таяниб иш кўрган Умиджон ҳеч қанча вақт ўтмасдан ютуқларга эриша бошлади. Бугунга келиб унинг оилавий кичик корхона-

си маҳалла аҳолисини тухум ва товуқ гўшти билан таъминлаётир.

— Юртимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити кенг имкониятлар эшигини очаяпти, — дейди ёш тадбиркор. — Келажақда паррандачиликни янада ривожлантириб, товуқ гўштини янги технологиялар ёрдамида қайта ишлаб, қадоқлаб экспорттоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчиман. Шу аснода яна бир неча иш ўрнини ҳам яратишга эришаман. Бу борада коллежда ўқиб-ўрганганларим ёрдам бермоқда.

Коллежнинг яна бир битирувчиси Асомиддин Акрамов "Агробанк"нинг Муборак туман филиалидан имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик ишини йўлга қўймоқда.

2017 йили коллеж битирувчилари ўртасида ўтказилган сўровномалар натижасига кўра, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 91 нафар ёш учун тижорат банклари томонидан 637 миллион сўм маблағ талаб этилиши аниқланди. Вилоятда ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида 47655 нафар битирувчи ва 17432 та корхона ва ташкилотлар билан тўрт томонлама шартномалар тузилган. Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўрта максус, касб-ҳунар таълими муассасаларида "Бизнес клуб"лар фаолияти йўлга қўйилди ва уларга 1721 нафар битирувчи аъзоликка қабул қилинди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш мақсадида 2017—2018 ўқув йилидан бошлаб вилоят бўйича 11 та касб-ҳунар коллежи қайта ихтисослаштирилди. Шунга кўра 3 та касб-ҳунар коллежида 3 та мутахассислик бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш тўхтатилиши ва 74 та касб-ҳунар коллежида янги 53 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилиши режалаштирилди. Таълим муассасалари битирувчилари орасидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 4238 нафар ёшга белгиланган тартибда тижорат банклари томонидан 20 миллиард 887 миллион сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,  
"Ma'rifat" муҳбири



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди

"Ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялашда, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига кенг имкониятлар яратишда ҳамкорликни кучайтириш" мавзусида давлат грантлари ажратиш учун танлов

### ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга моллик лойиҳа-бюджетномалари қабул қилинади:**

1. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган турли маънавий-маърифий тадбирлар ва танловлар ўтказиш.

2. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун нормалари ижроси устидан кенг жамоатчилик назоратини ўрнатишда фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВнинг ролини кучайтириш.

3. Ёшларнинг ҳуқуқий, тиббий, иқтисодий, молиявий ва экологик маданиятини оширишда ижтимоий шерикликнинг янги механизмларини қўллаш.

4. Ёшлар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ота-оналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ўқув муассасаларининг масъулият ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларини татбиқ этиш.

5. Кўриш имконияти чекланган ёки кўзи ожиз ёшларга чет тилларни ўргатиш учун брайль ёзувига асосланган махсус адабиётлар ишлаб чиқиш, чоп этиш ва тарқатиш.

6. Жойларда тарбияси оғир бўлган ва уюлмаган ёшлар орасида шу ҳудудда яшаётган ёзувчилар, санъаткорлар, рассомлар, спортчилар ва ижоднинг бошқа соҳаси вакиллари иштирокида турли ижтимоий-маданий тадбирлар, телемарафонлар, уларнинг ёшига мос спорт ва ўқув мусобақалари, ўқув фанлари бўйича танловлар, мушоиралар, ижодий ва адабий кечалар ташкил этиш ва ўтказиш.

7. Ёшларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш мақсадида уларни мунтазам ижодий рағбатлантириш бориш ва китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ошириш.

8. Фуқаролар йиғини гузарлари қошида китоб фондига эга бўлган ўқув заллари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўргатишга мўлжалланган синфлар, шахмат ва шашка хоналари, ёшлар ва кексалар учун махсус спорт анжомлари билан жиҳозланган жисмоний тарбия залларини ташкил этиш ва улардан мақсадли фойдаланишда ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиш.

9. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, "Қамолот" ЁИХ, Хотин-қизлар кўмитаси, "Хунарманд" уюмлари, ногиронлар, кўзи ожизлар, қарлар жамиятлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосида жисмоний имкониятлари чекланган ёшлар ўртасида "Ўзим яратаман" ширини остида турли тадбирлар, тасвирий ва хунармандчилик санъати кўргазмалари ва танловлари ташкил этиш ва ўтказиш.

10. Ёшларда соғлом ва фаровон оила қуришга бўлган кўникмани шакллантириш, ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш борасидаги билимларини янада ошириш, эрта никоҳ ва ажралишлар, оилалардаги ижтимоий-психологик муаммоларнинг олдини олишга кўмаклашиш.

11. Бола тарбиясига қаратилган "Бир болага етти қўшни ота-она" ширини остида оила, маҳалла ва ўқув муассасаларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ёшлар ва ёш оилаларни намунали оилаларнинг ҳаётий тажрибалари асосида ҳамда халқимизнинг бой кўп асрлик миллий аниъани ва қадриятлари руҳида тарбиялаш.

12. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, "оммавий маданият" никоби остида кириб келаётган таҳдидлар ва салбий иллатлардан асраш борасида туркум тадбирлар ташкил этиш.

13. Ёшларда ҳуқуқий маданият, фуқаролик позицияси ва бурчини англаш ҳиссини юксалтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳаларидаги ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидан хабардорлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш.

14. Ёшлар, энг аввало, қишлоқ жойлардаги касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда уларни тадбиркорлик билан банд бўлишга жалб қилиш, уларнинг оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган ишларини кучайтириш.

15. Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, тижорат банклари, тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда ёшлар бизнесини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг товарла ва хизматлар экспорти соҳасидаги кўникмаларини мустаҳкамлаш.

16. Қишлоқ жойлардаги уюлмаган ёшларнинг ижтимоий фойдаланма мекнат ва тадбиркорликка оид зарур билимларни эгаллашга йўналтирилган қисқа муддатли ўқув курсларига жалб этиш.

17. Ўсиб келаётган авлодда катталар, ота-онага ҳурмат, кичикларга ғам-хўрлик, эзгулик ва инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва мурувват, ўз халқига ва она юртига садоқат каби юксак туйғуларни шакллантириш.

**Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати.

2. [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг устави (низоми) нусхаси.

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. 3-, 4- ва 5-бандларда кўрсатилган ҳужжатлар раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

7. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.  
Ҳужжатлар 2017 йил 10 майдан 15 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ижтимоий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди

"Аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини юксалтиришда, атроф-муҳит муҳофазасини кучайтиришда, мамлакатда экотуризмни ривожлантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ижтимоий шерикликнинг ролини юксалтириш" мавзусида давлат грантлари ажратиш учун танлов

### ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга моллик лойиҳа-бюджетномалари қабул қилинади:**

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талаблари бажарилиши устидан жамоатчилик экологик назоратини ўрнатиш, маҳаллаларнинг санитария ҳолатини яхшилаш.

2. Аҳоли яшаш пунктларининг қўлай экологик ва санитария ҳолатини таъминловчи аниқ жамоат чораларини ва самарали механизмларини амалга ошириш.

3. Болалар, ўсмирлар, ёшлар оилавий туризмни, ёши улуг инсонлар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш, туризмнинг ижтимоий ролини ошириш чораларини кўриш ва аҳоли ўртасида экологик туризмни ривожлантириш.

4. Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари ҳақидаги ахборотларни миллий ва хорижий ОАВларидан кенг тарқатишга, мамлакат ҳудудларида глобал интернет тармоғидан фаол фойдаланган ҳолда туристик ахборот марказларини ривожлантиришга кўмаклашиш.

5. Қишлоқ жойларида ва ижтимоий инфратузилма объектларида ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг замонавий илғор технологияларини амалиётга жорий этиш.

6. Болалар ва ёшлар спортини янада ривожлантиришга шароитлар яратиш орқали аҳоли кенг қатламларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.

7. Туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлашга, туғруқлар оралигини узайтиришга, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш.

8. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга, соғлом оилани шакллантиришга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

9. Ижтимоий инфратузилма ривожига, сифатли коммунал хизматлар кўрсатишга, нурунийларнинг маънавий яшаш шароитларини яхшилашга кўмаклашиш.

10. Ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маҳаллаларда санитария-экологик ҳолатни яхшилаш соҳаларида ижтимоий акциялар ва тадбирлар ўтказиш орқали аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш.

11. Соғлиқни сақлаш ва ўқув муассасаларида экологик тоза ва қайта тикланадиган энергия манбаларини янада жорий қилиш.

12. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маҳаллалар ҳудудларида, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳоли пунктларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария-экологик муҳитни яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш.

13. Ёшлар ўртасида турли юқумли касалликларнинг олдини олиш учун соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа ташкилотлар би-

лан ҳамкорликда туркум тадбирлар ташкил этиш.

14. Имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий кўникмасини таъминлаш, уларни фан, санъат ва спортнинг турли йўналишларига жалб этиш юзасидан амалий чораларни рўёбга чиқариш.

15. Оилада соғлом турмуш тарзи аънаналарини мустаҳкамлаш, "Ватан тараққиёти оиладан бошланади" ширини остидаги лойиҳаларни амалга ошириш, атроф-муҳитдаги салбий омилларнинг аҳоли саломатлигига зарарли таъсири олдини олишга кўмаклашиш.

16. Чиқиндиларни қайта ишлаш, электр энергияси ва сувни тежовчи замонавий инновацион технологияларни кенг қўллашга кўмаклашиш.

17. Аҳолининг, айниқса, ўсмир қизларнинг рационал овқатланиш, камқонликнинг олдини олиш ва бошқа соҳалардаги тиббий маданиятини юксалтириш.

18. Аҳолининг санитария-эпидемиологик вазиятдан хабардорлигини ошириш, уй ва бошқа ҳайвонлардан тарқаладиган юқумли касалликлар профилактикасига кўмаклашиш.

**Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати.

2. [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг устави (низоми) нусхаси.

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. 3-, 4- ва 5-бандларда кўрсатилган ҳужжатлар раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

7. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2017 йил 10 майдан 15 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ижтимоий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

2017-yil 10-may, № 37 (8998)

Созлардан таралаётган ажиб куй беихтиёр вужудни чулғаб олади. Хаёлан, қалбдан саз билан сўхбат қурасиз. Айниқса, бу хуш наво миллий чолғудан таралаётган бўлса, дилга янада яқин.

Созгар билан сўхбат гашти ундан икки хисса тотлироқ эканини Тўхтамурод устанинг ижодхонасида ҳис этдик. Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миллий чолғулар устаси Тўхтамурод Зуфаровнинг уйига яқинлашганимизда, дуторнинг кўнгилга яқин оҳанги янграётган эди. Мўъжазгина устахонада кечган сўхбатимиз хунармандлик ҳикматига бағишланди.

— Жамиятшуносларнинг таъкидлашича, қайси халқда хунарманд кўп бўлса, бу миллат маданиятини тобора мустаҳкамлайди. Асрлар давомида шаклланган миллий санъат, хунар турлари кўна тарих қабридан садо бериб турса, ҳазрат Алишер Навоий таърифлаганидек, хунармандликнинг кадр-қиммати чукүр англа-гандек бўлаемиз:

*Йўқ хунари ёлғуз эса бир киши,  
Қайда киши сонда ёлғуз киши.*

Яъни, мутафаккир хунарсиз одамни ёлғуз кишига тенглаштиради, яқна инсон эса ўз ўрнини йўқотади. Шу боис, қадим-қадимдан хунар эгаллаш шараф ҳисобланади. Хунармандликда зеҳн, уқув, кунт бирлашган ўринда турган. Уста-шоғирд аъёналари ҳар қайси замонда эл арал улуғланган. Юртимизда гишт заводи бўлган эмас. Лекин тарихий обида минораларига боқсангиз, осмон қадар бўйлашади. Ажабланарлиси, орадан неча асрлар ўтса ҳамки, гишларни "миқ" этмасдан турибди. Бунда ҳам ўзига хос сир-синоат бор.

**Ёғоч илми**

— Сизнингча, хунарлар ичидан созгарликнинг ўзига хослиги нимада?

— Халқимизда хунармандликнинг турлари кўп. Бунинг икки эътиборли жиҳати бор, бири халқнинг маиший, кейингиси маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Маънавий маҳси тикади, новвой... он ёпади, заргар тақинчок қсайди ва улар кўпроқ моддийлик аҳамиятига эга. Сазгар маҳсулотлари эса тор доирадаги кишилар учун мўлжалланган. Харидорлар — созада ва хонандалардир. Чолғудан таралган куй эса миллат сиймосини намоён қилиш хусусиятига эга. Унда миллат маънавияти муржасам.

Созгарлик — мураккаб соҳа. Дуч келган одам бу билан шуғулланиб кетавермайди. Бунинг учун созгардан ёғоч илмини чукүр билиш талаб этилади.

Ёғочнинг ёши, тури, тузилишини чукүр билиш, ҳатто унинг кўнгай ва терскай томонини фарқлай олиш мумкин. Хомашё устида ишлаш учун чинакам матонат, чидам керак. Шундагина ёғочдан муайян чолғунинг қайси бўлагини яратиш мумкинлигини олдиндан кўра билиш малакаси ҳосил бўлади. Кўпинча отам билан кўчада кетаётсак, у киши йўл чети-

ишлов беришни назарда тутди. Сазгарлик дурадгорликнинг арра тортиб, теша чопиш ҳамда безак бериш жараёнларини ўз ичига олади. Бунда ўта нозик ҳаракатлар ёрдамида чолғунинг маҳсул қисмлари тайёрланади. Етук усталар созга безак беришда нафисликка эътибор қаратганлар. Шундан кейин чанг-ғубор ва намдан асраш мақсадида чолғу лакланади. Хунаримизда дарактларга нисбатан ўзига хос эҳтиром



мавжуд. Саз учун мўлжаллаб қийилган даракт ёнидан ҳар сафар "Яхши ўсаясан", дея дуо қилиб ўтаман. Эгаларига эҳтиёт қилишни уқтираман. Дарактлар-

даги бирор дарактга ишора қилиб: "Тўхтамурод, анов дарактни кўряпсанми, танасидан зўр танбур ёки дутор чиқар экан", деганларнинг маънисини кейинроқ англаётим.

— Кизик, ёғочнинг кўнгай қисмини қандай ажратиш мумкин?

— Кесилганда аниқлаймиз: кўнгай тарафи кенг, соя бети зичроқ бўлади. Бу ўрик, ёнғоқ, тут дарактларининг барчасига хос. Чолғунинг товувш берадиган қисми учун мевали дарактлардан тут, ўрик, ўймакорлик иши учун ёнғоқ даракти ишлатилади. Дутор учун энг яхшиси тут даракти: мустаҳкам, тузилиши нафис. Камида эллик йиллик тут бўлса, янада яхши. Дарактнинг диаметри 40 сантиметр, яъни тўнка ўзагидан пўстлогича камида дуч қарич бўлиши шарт. Қадимги усталарнинг айтишича, мевали дарактлар оғочи тиниқ ва жарангдор овоз беради.

Ёғоч қанча куруқ бўлса, чолғу шунча сифатли чиқади. Қадимги усталар ёғочни табиий шароитда сақлаганлар.

— Чолғу "тана"сини тайёрлаш узоқ ва машаққатли меҳнат талаб этса керак...

— Ҳа, бунинг учун йиллаб вақт кетади. Аънамага кўра, айни жараёнда ёғоч икки босқичдан ўтади. Тайёрлов босқичида даракт танасидан сув қочган пайт, асосан қиш фаслида кесилади ва керакли ўлчовларда гўлаларга ажратилади. Пўстлогидан тозаланган гўлалар ёрилиб кетмаслиги учун салқин, кўш нуридан пана жойда сақланади ва бу жараён бир неча йилга чўзилиши мумкин. Ёғочни оқар сувга бўктириб қўйиш усталар ҳам бор.

Иккинчи босқич ёғочга

ни асраб-авайласак, у жуда кўп мақсадларимизни рўёбга чиқаради.

Ҳиндистонда "вина" деган чолғу асбоби бор. Ундан қийилган ун қиши учун мусиқачилар даракт тагига келиб, айни йўсиндаги куйни чаладилар, хонандалар эса ашула айтадилар. Эмишки, оҳанг дарактга сингади.

Айтишларича, қийғос очилган гуллари, шириншарбат мевалари, сояси билан одамларни баҳраманд этувчи бу яратқ ўз жиҳаси, яшил бағрлари, сариқ, қизил мевасини — ҳаттоки ифориини ҳам она заминдан оларкан. Шу билан бирга овозни ҳам. Аммо даракт ўз сасини ҳеч кимга чиқармай, сир сақлайди. Ёғоч илмидан хабардор созгар даракт бағрида яширин овозни чиқаришга қодир, созгарликнинг ўзига хос бир ҳикмати шунда!

Боболаримиз мусика санъати, маданиятини дарактга қийслайдилар. Дарактнинг илдизи — созгар, танаси созада, шохлари мусиқий нота, меваси эса куй. Созада оҳанг оғушида яшайди. У чалаётган куй тўлқинларида инсон руҳияти яширин. Саъдий Шерозий демишки:

*Хунарманд киши мен хунарманд демас,  
Уш таъриф айлар хунар ҳар нафас...*

Машойих айтганича бор. Тўхтамурод Зуфаров ўтган йили давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири — "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвонига сазовор бўлди.

**Асбоб илми**

— Чолғу асбоблари созадага таҳминан неча йил хизмат қилади?

— Агар чолғу яхши сақланса (пардаси ёйилиб, ипи узи-



**Hunarmandlik hikmati**

лиши бундан мустасно), сифатига 100 йиллик кафолат бериш мумкин. Бу керакли асбоб-анжомларни қандай ишлатишга боғлиқ. Оғочни пақиллатиб ёриб қўйиш ярамайди. Чолғувчи, йўнувчи, кесувчи, ўювчи асбобларни дастанинг айнан қайси жойида фойдаланишининг қоидалари бор. Бунинг ўз ичидеги асбоб илми деб юртимиз. Моҳир уста-хунармандлар шахсий асбобларини ўзига мос ва қулай қилиб ўзлари

вужу диапозони бенуксон чиқшини текириб кўришни созадан сўраймиз.

Отамиз уста Усмон Зуфаров дутор, рубоб, танбур, сурнай, дўмбира, чанг, сато, най... деярли барча чолғу асбобларини ясаган ва моҳирона "сайрата олган". Фозил Йўлдош ўғли, Қодир баҳши келиб, отамизга дўмбирасини созлатиб кетарди. Тақдир мени шундай ажойиб инсонларга рўпара қилди. Инсон бутун умри мобайнида ўрганади, ўргатади...

Уста созини қўлга олиб, мўмтоз куй чалишга чоғланди. Демак, ҳар бир созгар созаданликдан ҳам хабардор бўлиши керак.

Бу йил муборак 81 ёшни қаршилаётган Тўхтамурод уста созгар Зуфаровлар сулоласининг учинчи вақили, Ўзбекистон халқ усталари, мусаввирлари "Хунарманд" уюшмасининг фахрий аъзоси.

**Соз илми**

— Ясаладиган созининг овози қандай чиқшини олдиндан режалаштириш мумкинми?

— Ота-боболаримиз чолғу тайёрлашда ўлчамларни миллиметрлаб ҳисобламаган. Дастан одам қўлига тенгми, иккиланмасдан иш бошлашган. Қаерига, қандай қисм қўйишни олдиндан таҳмин қилиш мумкин эди. Бунинг учун соза илми — чолғунинг ўзигагина хос бўлган овозни чиқарадиган ҳолатга келтириш талаб этиларди. Бу билим ўзбек халқининг мусиқий бисотидаги барча чолғу асбобларининг тузилиши, ясалиши ва овозига доир билимларни қамраб олган. Ниҳоятда изчил аъёналарга асосланган соза илми миллатдан аввалги минг йилликларга бориб тақалади.

Соз илмида овоз устида ишлаш, унга амал қилиш мумкин. Шу овоз миллатнинг маънавий бисотида айланади. У янграسا, ўзбек ўз созида куй чалаётгани сезилиши керак. Ҳар бир чолғуга хос овозни чиқариш созгарнинг маҳоратидан дарак беради. Қадимдан дутор ясаб келаётган ўзбек халқи шу сози билан тан олинди, деса ҳам бўлади. Аънана бўлмаган жойда хунар ёки чинакам санъат бўлиши мумкин эмас. Аънанасиз соҳанин келажаги йўқ.

— Мукамал меҳнат маҳсули уста қалбининг бир бўлагига айланади, дейишди...

— Ёғочни қўлга олганда, эй, жонивор, сен қандай даракт эдинг, ёшинг нечада, қанақа мева бергансан, кимлар соянгад ўтирган, дея у билан сирли сўхбатлашаман. Таънирлангандиган жойи, теша урган пайтимизда оғоч гўёки "оҳ" тортиб юборади. Тирик жонга теша уриш азоб, "тарс-турс" уриб ташласак, унинг бағрини эзган бўлаемиз. Иш поёнлаган онда эса устахонадан ҳориб, толиб чиқаман. Бироқ ўша ниҳоятда созгарнинг ҳажжони орта боради.

(Давоми 16-бетда.)





*Ноқулай ётиб қолсанг, ёмон туш кўрасан, дейишади кексалар. Шундай бўлганим, қисқаси, дахшати туш кўрдим: мен туғилиб ўсган қишлоқда уруш бўлаётти. Одамлар ўқлар ёмғирдан қочиб, жон ҳолатда пана жой излаб, у ёқдан бу ёққа юзурши хўдди уни бўзлаган қумолини эслатарди. Кимдир боласини қучиб, кимдир онаси, отаси, эри ёки хотинининг жасади устида дод солар, қора тутуну қонга бурканган болалар... юракни тилкалаб ташларди. Кўз олдимда ўқ тегиб чилпарчин бўлган деразалар, ловуллаб ёнаётган уйлар, гўмбур-гўмбурлар, қичқириқлар манфур урушнинг дахшати-ни намён қилганди.*

Шу тобда нимани ўйладим, биласизми? Ўз оиламни, ота-онам, яқинларим, фарзандларимни ўйладим. Уйладим, бирдан ух тортиб юбордим. Ичимдан отилиб чиққан оғриқ ва аламли хайқириқдан уйғониб кетибман. Яхшиям, уйғониб кетганим. Хайриятки, бу шунчаки туш экан. Модомки, урушни тушимизда кўриб, шунчалик кўрқув ва тахликага тушсак, ўнгимизда... йўқ-йўқ, ундан Худонинг ўзи асрасин!

Уруш нима ўзи? Уруш деганда, ижтимоий гуруҳлар, миллат(халқ)лар, давлатлар ўртасидаги низоларнинг қуч, одатда, қуролли қучлар ёрдамида ҳал қилиниши тушунилади. Урушда асосий ва ҳал қилувчи восита сифатида қуролли қучлардан, шунингдек, курашининг иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва бошқа воқеаларидан фойдаланилади.

Бу урушларнинг тури кўп: жаҳон уруши, фуқаролар уруши, миллий озодлик ҳаракатлари ва ҳокзо. Аммо уларнинг ҳеч бири халқ уруши, одамлар учун шодлиғ қувонч келтирмаган.

Жаҳон урушлари — икки ёки бир неча мамлакат ўртасида олиб бориладиган урушлар ўтган асрда неча миллион инсоннинг ёстигини қуритганидан хабарингиз бор. Иккинчи жаҳон уруши туфайли не-не орзу-умидлар сароб бўлиб, минг азобу укубат чекиб, очарчилиғ йўқчиликларга чидаб, фарзанд ўстирган, лекин роҳатини, бахтини кўрмаган бечора ота-оналарнинг қўли душман ёқасида кетди. Оху нолалари томоғига тикилди. Айниқса, башарият юкини кўтарадиган навқирон авлод ҳам жисмонан, ҳам маънан майму мажруҳга айланди. Неча ўн йиллар давомида унинг заҳми, ранжу озори қалбларда битмас яра бўлиб азоб беради.

Ўша йиллар ваҳимасини кўрган кексалар кўзига ёш олиб, қўллари қалтирайдилар: «Эй болаларим, биз кўрган у қора кунлару «қорахат»ларни сизларга ҳеч қачон кўрсатмасин. Қўй, ўша кунларни эсламайлик. Урушнинг номи ўқсин!», дейди алам ва ўкинч билан. Бироқ шундай дейишга дейди, ўзининг яра-чақаларга тўла юраги яна яллиғланади, яна тирок орасига кирган тикан азобига ўхшаш оғриқ хотирасини остин-устин қилади.

«Википедия» электрон энциклопедиясининг 2017 йилги маълумотларига кўра, Иккинчи жаҳон уруши туфайли сайёрамизнинг 50 дан зиёд мамлакатидан жами 24 437785 нафар аскар ҳалок бўлган, 37 477 418 нафари жароҳат олган ва энг ачинарлиси, дунё аҳолисининг 46 733 062 нафар фуқароси ҳаётдан кўз юмган.

Бундан ташқари, урушда фаол иштирок этган мамлакатлар, жумладан, собиқ иттифоқ мамлакатлари уруш йилларида энг кўп — 610 миллиард долларга тенг зарар кўрган. Яна Буюк Британия,

ман, Ватан учун, элу юрт учун хизмат қилган инсонларнинг номларини сақлаш, инсон хотирасини эъзозлаш йўлида қилинган бундай савобли ишлар, ўйламанки, ҳеч қачон унутилмайди».

Уруш ўз номи билан уруш, хунрезлик, киргинбарот, зулму заллат, ҳақолат. У тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва дўстлик каби бебаҳо

Уруш қандайдир қозғоларга, ҳужжатларга асосланган рақамлар, холос. Балки яна минглаб, миллионлаб қурбонлар берилган, триллионлаб маблағлар сувга оқиб кетган, ном-нишонсиз, изсиз йўқолгандир — ким билади? Шуниси аниқки, урушда голиб бўлмайди!

Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 2004 йил 22 ноябрдаги резолюциясида Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотираси хурмати учун 8-9 май саналари дунё миқёсида Хотира ва ярашув кўни сифатида нишонланиши белгилаб қўйилди.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1999 йилдан мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Чиндан ҳам, инсон хотираси муқаддас, қадр-қиммати азиз ва мўътабар. Мазкур сана мазмун-моҳияти жиҳатидан ана шундай инсонпарвар тамойилларга йўрилган. Бу сана урушларда қурбон бўлган миллионлаб юртдошларимиз хотирасига таъзим бажо келтириладиган, айни пайтда сафимизда юрган, мусофқо осмонимиз, юртимиз равнақи йўлида хизмат қилиб, кексалик даврини сураётган нурунийларга юксак хурмат-эҳтиром кўрсатиладиган эзгу аънададир.

Бу санада бугунги тинч ва осуда ҳаёт, бегубор осмон, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришилганини яна бир қарра ёдга оламиз. Бизга насиб этган олий саодат — мустақиллик, тинчлик ва осойишталикнинг аҳамиятини янада теран илғаймиз.

Ахир Иккинчи жаҳон уруши бошланган пайтда Ўзбекистон аҳолиси 6,5 миллион кишига яқин бўлган ва ундан 1,5 миллион киши, яъни қурол кўтаришига яроқли одамлар урушга олиб кетилган. Аяқлиси, уларнинг 500 мингдан кўпроғи жанг майдонларида кўз юмган. Яна қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтган, қанчаси бедарак йўқолган. Ана шу фактларни инобатга олсак, бу гаала биз учун, Ўзбекистон замини учун ҳам нақадар қимматга тушганини ҳис этамиз.

Зеро, Ислам Каримов таъкидлагандек: «Вақт ўтади, замоналар ўтади, лекин узокни кўзлаб, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган талабларни инобатга олиб, одамийлик, инсонпарварлик фазилатларини улуғлаш, уму-

неъматлар қаршида шу қадар хунук кўринадики, айтишга тил бормади.

Гамбург университетети экспертларининг фикрича, 2016 йилда ер юзиде бирорта янги



уруш, ҳарбий ҳаракатлар ёки конфликт қузатилмаган, аксинча узоқ йиллардан бери Хиндистоннинг шимоли-шарқда давом этаётган қуролли тўқнашувларга ҳеч қўйилиши туфайли қарама-қаршилиқларнинг сони 33 тадан 32 га камайган. Лекин терроризм тўқнашуви айланган Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳудудидаги инсон тасаввурига сигдиролмайдиган 12 та аянчли ва кўрқинчли манзара, Африка қитъасидаги 10 та қарама-қаршилиқ, Осиёдаги 8 та муҳораба майдони, қолаверса, Лотин Америкаси ва Европанинг бир қатор шаҳарларида юз берган қонли воқеалар минг бошли юҳо — уруш деган жirkanч махлуқнинг уруги батамом йўқ бўлиб кетмаганини, қайлардадир пайт пойлаб, пусиб ётганини аналтмайми?

Болалар, кексалар ва аёлларнинг қонли фарёдига ботиб кетган Суриядаги ҳолат ҳар қандай инсонни титратиб юбориши муқаррар. Бу мамлакат аҳолиси кейинги 6 йил ичида ўқлар ёмғирига чап бериб, гоҳида чап кўксини қалқон этиб яшапти. Она тупроғини чангаллаб жон берапти, яна миллионлаб сурияликлар ўз диёрини ташлаб қочишга, жонини шу йўл билан асраб қолишга уринапти. Агар шу уруш бўлмаса, шу қора кунлар ўрнида тинчлик ҳукми сурганида, ўзининг иссиқ уйини ташлаб, Ўрта ер денгизию Қора денгиздек ажал қонидан қечиб ўтиб, бегона юрларда хору зор бўлармиди, бировнинг қўлига қараб, ўлимни кутиб ётармиди?

Британиянинг «The Guardian» ва французларнинг «Le Figaro» нашрларида ёзилган маълумотларга кўра, 2011 йилдан 2016 йилгача БМТнинг ҳисоб-китобига кўра, Суриядаги уруш туфайли мамлакат аҳолисининг 280 мингдан зиёди (айрим мамлакатда 470 минг инсон!) ҳалок бўлган, 1,9 миллион киши жароҳат олган ва яна

тахминан 12 миллион суриялик тинч юртларга қочишга мажбур бўлган. Ҳалок бўлганларнинг қарийб 81,5 минг тинч аҳоли вакиллари экани — кексалар, хотин-қизлар, 14 мингдан ортиғи жажжи бола-жонлар экани янада аянчлидир. Сурия армиясида жанг қилиб, ҳалок бўлган ёш йигитлар — аскарлар сони эса 100 мингдан ошиб кетди.

да дунё бўйича 13 миллиондан зиёд инсон ҳалок бўлган экан. 13 миллион катта рақам, албатта. Лекин у сўнгги 100 йилдаги уруш қурбонлари сони қаршида жуда ҳам кичик кўринади.

Рус тарихчиси Вадим Эрлихманнинг «XX асрда йўқотилган аҳоли» асариде келтирилишича, ўтган юзйилликда содир бўлган катта-кичик урушлар туфайли жами 126 миллион (бунинг ичида уруш боис очлик, касаллик ва асирга тушиш кўрсаткичлари ҳам

бор) инсоннинг умрига нуқта қўйилган! Яна бу рақамлар аниқ эмас, яъни улар янада кўпроқни ташкил этиши мумкин.

Тарихчиларнинг айтишича, сўнгги 3500 йиллик ҳаётимиздан «йигиб-териб» олинган урушсиз тинч кунлар бор-йўғи 230 йилни ташкил этаркан. Бу эса Ер юзиде деярли тинч ўтган кун бўлмаганини, сайёрамизнинг қайсидадир мамлакатиде урушлар давом этаётганини, одамлар хору зорликда, тонғни, баҳорларни ҳис қилмай, болалар кулгусини эшитмай кун кўраётганини билдиради. Дунё урушлардан чарчади, тоқати тоқ бўлди. Урушларнинг дунёдан тортиб олманган нарсаси қолмади. Урушнинг дунёда ҳақи қолмади. Башарият ич-ичидан шу сўзларни тақорляпти: «Дунёга тинчлик керак! Дунёга тинчлик беринг! Дунёни тинч қийин!».

Шуқриқ, биз Ўзбекистондек Худо ярлақанган, Ўзининг назари, меҳри тушган диёрда яшапмиз. Бу шунчаки баландпарвоз гаплар эмас. Осмонимиз мусофқо, қорнимиз тўқ, оилаларимиз фаровон, болаларимизнинг шодон кулгиларидан яйраб кетамиз. Кечаси бемалол шаҳар кезиб, ҳаёт ташвишларини унутамиз. Аммо бугунги тинч ва дориломон кунлар осmondан тушаётгани, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг учун кечаги кунда қанчадан-қанча мард аскарларимиз, жасоратли алп ўғулларимиз жонфидолик қилгани, қилаётганини бир зум ҳам унутмаслик лозим.

Энг муҳими, шу дориломон кунларга етказгани учун Яратганга шуқрона келтириб, бирдаму ҳамжихат бўлиб яшамок, тинчлиғи мустақиллиғимизни мустаҳкамламоқ, жондан азиз Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўйиш заъқи билан ёнмок керак. Зеро, тинчликдек олий неъматни қадрлаш, унга муносиб эканимизни исботлаш ҳар соат, ҳар лаҳза сув ва ҳаводек зарурдир.

**Зоҳиджон ХОЛОВ,**  
«Ma'rifat» мухбири

2017-yil 10-may, № 37 (8998)

### КАМ УХЛАШ САБАБИ НИМАДА?

Лондон университети ва Лондон Кириллик коллежи олимлари сенсор экранли гажетлардан мунтазам фойдаланиш болаларнинг уйқусизлигига сабаб бўлишини аниқлагани ҳақидаги мақола "Scientific Reports" журналичада эълон қилинди.



"Gizmodo" да келтирилишича, тадқиқот муаллифлари олти ойлик чақалоги ва 3 ёшгача фарзанди бор ота-оналар ўртасида он-лайн сўровнома ўтказди. Респондентлардан фарзандининг кундузги ва тунги уйқусининг ўртача давомийлигини кўрсатиш сўралди. Шунингдек, болалар ёстиққа бош қўйгач, ухлаши учун қанча вақт кетиши ҳамда тунда неча марта уйғониши ҳақида ҳам маълумот тўпланди.

Таърибага жалб этилган жами 715 нафар фарзандларнинг эса 75 фоизи доимий равишда сенсор қурилмалардан фойдаланувчилар сирасига киради.

Натижалар шуни кўрсатдики, мунтазам равишда смартфон ва планшетлардан фойдаланадиган болалар уйқуси қисқа бўлади. Яъни уларнинг кундузги дам олиш вақти узоқ давом этса-да, умумий уйқу учун меъёр деб белгиланган вақт тобора камайиб борган. Сенсорлардан фойдаланиш болаларни ҳар соатда 15,6 дақиқалик уйқудан маҳрум қилиши ва ухлашни қийинлаштириши қайд этилди.

### Фойдали уч маҳсулот

Америкалик шифокорлар ҳар кун истеъмол қилиниши зарур уч маҳсулотни аниқлади. Бу ҳақида "Lenta" манбаси хабар берди.



Ана шу маҳсулотлардан биринчиси олма. У антиоксидант хусусиятларга эга табиий кимёвий моддаларга жуда бой. Бундан ташқари, у саратоннинг айрим турлари ва юрак-қонтомир касалликларининг олдини олишда самаралидир.

Тиббиёт ходимлари сўзларига кўра, сабзи модда алмашинуви тизимига ижобий таъсир кўрсатиб, ичак фаолиятини фаоллаштиради. Ҳазм қилиш жараёнида унинг аҳамияти катта. Таркибидagi E витаминининг саратонга қарши таъсири кучли. Таркибда калий борлиги са-

бабли холестерин, гипертонияга қарши курашувчан. Ўт пуфакдаги сафро қосаси ва жигар ферментларини тартибга солиди. Сабзи суви кучли антиоксидант бўлган бета-каротенга бой бўлгани учун ҳужайра дегенерациясининг олдини олади, терини таранглаштиради. У қариш жараёнини секинлаштириб, хотирани мустаҳкамлайди.

Грек ёнғоқлари қон босими ва холестерин миқдорини барқарорлаштиради. Озиш ва семирлик кетмаслиқда фойдалидир. Табиий А витаминига бой бўлгани боис кўриш қувватини оширади.

Парҳезуносларнинг фикрича, юқоридаги уч маҳсулот организм ҳужайраларини табиий тикловчилар бўлиб, шунингдек, улар организмни керакли витаминлар ва антиоксидантлар билан таъминлайди. Бундан ташқари, уларни йилнинг исталган даврида бемалол истеъмол қилиш мумкин.

### КАНАДАДАГИ ДАРЁ ҒОЙИБ БЎЛДИ

Канада ва АҚШ олимлари ҳамкорликда 2016 йили Шимолий Америкадаги дарёлардан бири исиз ғойиб бўлганини аниқлади. Унга доир мақола "Nature Geoscience" нашрида эълон қилинди.

Гап шундаки, Юконда жойлашган шимолий йўналиш бўйлаб (Беринг денгизи томон) оқувчи Слимс дарёси 2016 йили деярли йўқ бўлган. Бунга Канададаги Каскавулш музликларининг жойлашуви ўзгариб кетиши асосий сабаб дея кўрсатилмоқда. Ушбу табиий ҳодиса сўнгги бир неча минг йиллар давомида шакл-



ланган канал тизимларини ўзгартириб юборди. Натижада музлик сувлари Слимс орқали шимолга эмас, балки Каскавулш орқали жанубга, Тинч океани томонга оқа бошлади. Бу жараён омилини олимлар "глобал иситиш" билан боғламоқда.




Слимс дарёси 2015 йилда ҳали мавжуд эди. Унинг йўқолгани спутник орқали олинган суратлардан маълум бўлди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, дарёнинг тўсатдан ғойиб бўлиши фақатгина маҳаллий экотизимга таъсир қилибгина қолмай, аҳоли учун янги сув манбалари билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

### АНТАРКТИКАДА МУЗ ҚОПЛАМИ ҚИСҚАРДИ

Антарктикадаги муз қоплами майдони фазодан қузатилган бутун вақт давомидаги энг минимал даражагача қисқариб, 2 миллион 150 минг квадрат километрни ташкил этди. Бу ҳақда Япония қутб тадқиқотлари миллий институти ходимлари маълум қилган.

Институти олимларининг фикрича, эндиликда Антарктика денгизлари муз қоплами 2000 йилдан 2009 йилгача бўлган даврда қайд этилган энг минимал даражанинг қарийб 70 фоизини ташкил этади. Улар 1978 йилдан буён космос орқали мунтазам қузатиб борилади. Энг охириги маълумотлар эса "Сидзуку" илмий сунъий йўлдоши узатган манбалар таҳлили натижасида олинган.



"ТАСС" манбасида ёзилишича, қутб тадқиқотлари миллий институти мутахассислари муз қопламининг қисқаришига сув ҳароратининг ошиши, шунингдек, шамоллар ва океан оқимлари йўналиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, дея тахмин қилмоқда.

### ҚАРИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛУВЧИ УСУЛ

Кореянинг Тэгү шаҳридаги фан ва технологиялар институти олимлари қариш жараёнини секинлаштирувчи восита яратди. Бу ҳақда "EurekAlert!" сайтида хабар берилди.

Маълумки, ҳужайралар қаришининг сабабларидан бири лизосомаларнинг ишдан чиқиши билан боғлиқ.

Ушбу органиоидларда эса биополимерларнинг (оқсил ва ДНК) ёрилиш ҳолати юз беради. Бу ҳужайраларни митохондрий каби зарарланган қисмлардан халос этади. Акс ҳолда, барчаси йиғилиб, модда алмашинувининг бузилишига олиб келади. "АТМ" оқсили серин/треонинли протеинкеноз фосфор гуруҳларини АТФ ферментига қўшиб юборади, натижада лизосомалар фаоллиги сусаяди.



Тадқиқот гуруҳи ҳужайралар устида таъриба ўтказиб, шуни аниқладики, "KU-60019"нинг бирлашуви "АТМ" оқсилни блоклаб, фосфорланиш даражасини пасайтиради, шунингдек, қарийбган ҳужайралар функциясини тиклайди.

Олимлар бирикма самарасини ҳайвонлар моделларида ва ДНКсига модификациялар киритиш орқали тез қарийдиган организмларда синаб кўришни режалаштирмоқда.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ ва Эъзола НАЖИМОВА тайёрлади.

### Коррупцияга қарши курашишда ОАВнинг роли

*Амалга ошираётган ишларимиз қонунларга, инсон қадр-қимматига раҳна солмаслиги керак. Манфаат ортидан боғланган ришта, дўстлик, қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик узоққа чўзилмайди, ҳеч кимга обрў келтирмайди. Қинғир ишга қўл урган кишида ҳаловат бўлмайди...*

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан "Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш масалалари" мавзусида ўтказилган анжуманда коррупцияга оид миллий қўнуқчиликнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка таъшуунтириш, журналистик суриштирув ўтказиш, бу мавзунини таҳлилий ёритиш бўйича билим ва касбий кўникмани ошириш масалалари ҳақида атрофлича сўз юритилди.

— Коррупцияга қарши кура-

шиш, порахўрликнинг олдини олиш, тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишда нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам роли катта, — дейди жамоат фонди директори Абдуллаев. — "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши кишиларнинг ҳалол меҳнат қилиб яшашида, демократик жамият қуриш ва ислохотларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда журналистлар фаол иштирок этиши лозим. Журналистик суриштирув, таҳлилий-таңқидий материаллар эълон қилинса, бу коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Ҳасан МЎМИНОВ, "Ma'rifat" муҳбири

### Армия — осойишталигимиз рамзи

*Миллий матбуот марказида "Армия — юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи" республика танлови ғолибларини таъдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда миллий армиямиз минглаб ёшлар учунгина эмас, минглик, фидойилик, ватанпарварлик мактабига айлангани, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳарбий шаҳарчаларда замонавий ижтимоий-маиший шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мудофаа вазирилиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида ўтказилган ушбу танлов мамакатимиз Қуроли Кучларининг 25 йиллигига бағишланди.

Жорий йилда илк бор ташкил этилган танлов юртимизда ҳарбий соҳада амалга оширилган ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка таъсирчан воситалар орқали етказиш, замонамиз қаҳрамонлари бўлган Ватан ҳимоячилари образини яратиш, ёшларни миллий истиклол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аҳолида шарафли касбга нисбатан фахр-ифтихор туйғуларини юксалтириш, республикамиз ОАВ ходимларининг мазкур йўналишда ижодий фаолиятини рағбатлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Телевидение, радио, босма нашрлар, интернет ва фотожурналистика йўналишларида ўтказилган танловда ҳарбий ватанпарварлик мавзусида қалам тебатиб келаётган 100 га яқин журналист мингдан ортиқ ижо-

дий ишлари билан қатнашди, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов. — Танловга тақдим этилган ишларда ватанпарварлик, аждодлар аъёналарига содиқлик, ҳарбийлик касбига ҳавас, иштиёқ ҳамда ғурур-ифтихор туйғулари акс этгани эътиборга молик.

Танлов якунига кўра, "Еркин Қарақалпақстан" газетаси муҳбири Р.Арзиев (матбуот), "Ёшлар" телерадиоканали катта муҳаррири М.Усмоний (телевидение), "Ўзбекистон" телерадиоканали бўлим мудири Г.Бекмуродова (радио), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири Р.Бондарчук (интернет) ва "Ватанпарвар" бирлашган таъририяти фотомуҳбири Б.Абдурахимов (фото) ғолибликни қўлга киритди. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан таъдирланди. Қуроли Кучлар ашула ва рақс ансамбли ижросидаги куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Шерзод УЛАШОВ

Бу таниқли мусаввирнинг машаққатли ҳаёт йўли, ижоди ва санъат осмонидоғи парвози ҳақида Ёзувчи Шукур Холмирзаев очеркларини, Нодир Норматов эсселарини ва яна бошқа бир қатор бадиий, ҳужжатли асарларда салмоқли фикрлар бор. Жаҳон тасвирий санъатининг етук намоёндаларини ҳам машхур мусаввир ҳақида кўп илиқ гапларни айтган. Атоқли италян rassomi Ренато Гуттузо унинг "асарлари мен учун янги дунё кашф этди", деб юксак эҳтиромини изҳор этган. Ёзувчи Нодир Норматов таъбири билан айтганда: "Санъатни ҳаёт тарзи деб билиш, ҳамма жойда, ҳар доим, ҳар бир нарсадан гўзаллашди унинг эътиқодига айланган ўзармас ақида эди". Хуллас, бу эътирофларнинг бари rassom Рўзи Чориев ҳақида.

## "Изласангиз дўстлар мени..."

Рўзи Чориев фавкуллода таллант, бетакор асарлар муаллифи, она табиат, одамларга ва юртга ҳамиша чанқоқ беназир инсон эди. Талабалик йилларининг унинг "Баҳор", "Кўшиқ", "Лолақизгалдоқ" асарларидан беҳад таъсирланганман. Бунинг ҳам ўз сабаби бор. Ёдимда, отам топармон-тутармон эканига қарамасдан, онам рўзгорга ёрдам бўлсин, деб кашта ёки йўрма тикарди. Мусаввир чизган "Сўзана", "Каштачи аёл", "Бешик" асарлари менга ўша кунларни, қишлоғимни, онамни эсга солди. Шундай кезлари онамни тезроқ кўргим, қайноқ кучоғига отилгим келарди...


Бу машхур rassom билан илк учрашувимиз 1979 йилнинг кузига тўғри келган. Тошкент давлат университети (ҳозир Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлаб, тўққимчилик институтида йўлланма асосида ишлаётган эдим. Бир гал Бойсундан қайтаётганим. Кузатиб кўйишга чиққан тоғам билан бекатда узок туриб қолдик. Гап гапга уланиб, пойтахтда бир йилдан буюн ишлаётганим, аммо доимий рўйхатга ўтмаганимдан сўз очдим. Шунда тоғам Рўзи акани яхши танишини айтиб, ушбу масалада менга ёрдам беришини сўраб икки энлик хат ёзиб берган.

Келгач, Рўзи аканинг уйини топиб бордим. У киши хатни ўқиб бўлгач, бир неча жойга сим қоқди, боғланди. Тайинли жавоб олмаганидан кейин: "Худойим-ей, бу иш анча қийин экан, кечирасан", деди. Тақдир экан, орадан бир йил ўтар-ўтмай, Рўзи ака билан яна учрашиш бахтига муяссар бўлдим. Бу маҳал биз — таниқли журналист Тоҳир Усмонов (раҳматли) билан Сайробога келгандик.

Rassom тарихий чинорлар соя ташлаб турган масканда ўзига ажратилган хонада ижод билан машғул эди. Ўша даврнинг номдор чўпони Эргаш Шамаевнинг сура ти устида ишлаётган экан. Чўпон таёғига суняган холда пуврқор тоғларга гурур билан тикилмоқда. Тушлик яқинлашиб қолгани боис Рўзи акани тановулга чорладик. Ўшанда куюқ соя тушиб турган, зилол сув шабадасидан тан йирайдиган жойда эдик. Орадан ярим соатча вақт ўтиб, кимдир беҳитиёр тепага қараб, таниқли чўпоннинг ҳалиям тик турганини айтиб қолди. Шунда чўпонга ўтиришини, тушлик вақти бўлиб қолганини айтмаган экан, хижолат бўлиб, Рўзи ака бирдан тепага югуриб кетди. Биз бу истъебодли инсоннинг нақадар содда, самимий ва болаларча бегуборлигидан хайратланган холда, кулиб қолавердик.

Рўзи Чориев табиат, манзаралар, меҳнаткаш одамларни севарди. "Ўз юртини, табиатини, ўз туپроғини тасвирий санъат тили билан куйлай олган rassomни энг бахтиёр инсон деб биламан", деб фахр билан гапирарди.

...1982 йил. Бу гал Тошкент аэропортига боргандим. Шунда бир четда туриб кимнидир сабрсизлик билан қутаётган Рўзи ака-



га тасодифан кўзим тушди. Бордим. Самимий йўқлашдик. Унинг атрофида турли ўрамлардаги юклар, катта плакатлар бор эди. БАМ (Байкал Амур магистрალი)дан келаётган экан. У ерда 40 кун кўргазмаси ташкил этилибди. Ҳамкасбим билан Рўзи акани тақсиди уйигача олиб бориб қўйдик.

Рўзи ака йўл-йўлакай қизиқ гаплардан сўзлай кетди. Сибирь тарафларда одамлар кўпроқ маош олгани билан егулик, мева-чева қиммат, бир тилик қовун 7-8 сўм (Тошкентда ўша пайтда ўртача катталикдаги қовун 2-3 сўм бўлган) эканини айтиб, "Ўзбекистон жуннат, бу ерда ҳамма нарса бор, бундай юрт ҳеч қаерда йўқ!" дея гурурланганди.

Ўша учрашувимизда rassom ён дафтарига исми ва манзилини ёзиб қўётганимда бир қанча таниқли санъаткор, ёзувчилар, ўша даврнинг машхур кишилари номларига кўзим тушди: Чингиз Айтматов, Мукаррама Турғунбоева, Маъмура Эргашева, Шукур Холмирзаев, Икром Акбаров, Ботир Зокиров, Рўзи Тошев... Уларнинг портретлари ана шундай танишувлар маҳсули эканини англадим. "Санъатнинг кадр-қиммати унинг ўзиде қандайдир кўз илгамас нафисликни мужассам этганида биланлади". Бутун умр ана шу ақидага содиқ қолган мусаввир ижодида турли характер, турлича дунёқарашга эга инсонлар олами моҳирона акс этган.

Рўзи Чориев санъат жонкуяри сифатида бу соҳани янада ривожлантириш, унинг тарғиботига етарли даражада эътибор қаратиш, унинг кучи, қудрати билан Ватанини кўпроқ севишга ўргатиш мумкинлиги ҳақида таъкидларди. "Телевидениеда ақалли ўн дақиқалик бўлса ҳам "Тасвирий санъатни севаман" деган кўрсатув ташкил этиш мумкин-ку! Шундай кўрсатув ва эшиттиришлар санъатни англашда катта ёрдам беради", дерди.

Рўзи Чориев қолдирган улкан маънавий мерос бугун музейлар, санъат масканларининг бойлиги, ўзига хос нақши, безаги. Rassomни билган, асарларидан завқ олган кишилар қалбиде у ҳақон яшамоқда. Нодир Норматов "Мусаввир кўшиғи" шеърисида бу ҳолатни гўзал ифодаляди:

*Изласангиз дўстлар мени,  
Тополгайис ўзингиздан.  
Дунё гўзал, дунё қаср,  
Бари қолар изингизда.*

**Бобокул РАҲМОНОВ,**  
Тошкент давлат иқтисодийёт  
университети ўқитувчиси

## Сиздан миннатдорман!

Турмушнинг катта-кичик ташвишлари қачон тугабдики, уй-жойнинг, болаларинг, ишигдан ортиб, андак нафас ростласанг... Майли, турмуш шундай гавалари билан ширин. Чопа-чоп кунларнинг бирида Эгамқул устозимнинг набираси Абдулло кўнғироқ қилди.

Ҳол-аҳвол сўрашгач, "Устозим ҳам яхшимилар? Мендан салом айтинг.

Насиб қилса, кўргани бораман", дегандим Абдуллонинг гапидан ичим музлаб кетди: "Опа, апрелда бобомни бериб қўйдик!". Ўпкам тўлиқиб кетди. Қўлларим титраб, Абдулло билан қандай хайрлашдим, нималар дедим, эсимда йўқ. Устозимнинг табассумдан чарақлаб турувчи юзи кўз олдимга келди, ўтган йиллар хабар олмаганим, лоқал, телефонда гаплашмаганимдан ўзини койдим.

Ўқувчиликнинг энг тотли дамлари Зомин туманида жойлашган Даштобод шаҳридаги 39-мактабда ўтган. Жумлаларни бир-бирига улаб, ўзимча нималардир қоралаб юрган кезларим, мактаб директори-сим Эгамқул ака Расулов

"Кўп ўқигин! Ёзишни ҳавас қилган, кўп ўқиши керак, ҳамма нарсани билиши шарт!" дерди дона-дона қилиб. Туманда чоп этила-диган "Шарқ тонги" газетасида шеърларим, митти-митти ҳикояларим, хабарларим босилганини кўрган устозим ҳаммадан аввал табриклар, фақат олдинга қараб юришини таъкидларди. Мактабни тамомла-гач, ҳужжатларимни ҳеч иккиланмай журналистика факультетига топшири-шимда ҳам устозимнинг ҳиссаси анчагина.

Устозим кунни айрим кишилардек курсида ўти-риб эмас, мактабни обо-донлаштириш, ўқувчиларни фан олимпиадаларига жалб этиш, қўшимча тўга-раклар очиб, ўғил-қизлар-ларди маънавий оламини бойитувчи хайрли тадбир-ларни ташкиллаштириш

билан ўтказарди. Шунинг учунми, кимё фанини интиқиб кутардик. Эгамқул устоз кимёвий жараёнлар, турли реакция моддалар-нинг ҳоссаларини содда, ёшимизга мос тушунтириб берар, Ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуғбекнинг илм-фанга қўшган ҳиссасини аниқ-равон изоҳлар эдики, ўйласам, бирортамиз дарс қолдирмасдик.

Эсимда, байрамлар арафасида устозни таб-риклагани кўнғироқ қил-сам: "Қизим, сен билан фахрланаман!" дерди қут-ловларимни тинглай туриб. "Устоз, меҳнатларингиз меvasи..." десам, "Йўқ, ўзинг тиришқоқ эдинг. Одамнинг ўзига юкмаса, бошқаларнинг ҳаракати бекор!" дерди анча мақтар-ди. Бугун устозимнинг ово-зи, хуш ёқувчи одамларни кўмсайман. Қўнғилмида эса устоздан мерос нур — уларга ўхшашлик, қоракўз болаларинг йўлини ёри-тишга кўмаклашиш, муҳ-тожга ёрдам қўлини чўзиш-дек савоб ишларни қилиш нияти барқ ураётир...

**Дилфуза ЖУРАЕВА**

## Фарзандларим камоли

унда ота-онамнинг меҳнатларини кўраман

Олтинчи синфда ўқир-дим. Расм чизишга ўта берилганимдан, айрим фанлардан, айниқса, математикадан баҳоларим пасайиб кетганди. Шунда раҳматли отам олди-га қақариб, "Ўзим, мен-га иккинчи rassom керак эмас. Мусаввир бўлишни орзу қилар экансан, барча фанлардан авло ўқийшиг шарт. Ҳатто "Йўл қойдалари"га оид билимларинг сустилашса ҳам чизадиган расмларинг мантқиқий тугаллик-ка эга бўлмайди. Ҳар қандай касб эгаси бар-ча фанларни хурмат қилса, камтарини ва меҳнатсевар бўлсагина унга омад қўлиб бо-қадим..." дея қойидилар.



Отам Фуломжон ака шифокор, онам Раҳимахон ая бошланғич синф муаллимаси сифатида ўз касбларини ниҳоятда кадрла-шар, шу туфайли эл-юртнинг хурмат-изза-тига мушарраф бўлишган ва оилада бир-бирларини аяб, ширин ва тотув турмуш кечиришган. "Болаларим ўнб-ўссин, де-сангиз аввало, оилада соғлом муҳит ярат-тинг" дея ўқитиришди улар бизга. Таъбир жоиз бўлса, ана шундай меҳр-муҳаббат оғушида талабалик кезларимдаёқ Санкт-Петербург шаҳридаги Эрмитажга бориб ўн кун давомида дунё тан олган rassomлар ижодидан баҳраманд бўлдим. Турли кўргаз-малар ташкил этиб, альбомлар қижардим. Санъатшунос олим дарахмасига етишдим. Нафақат ўзим, балки фарзандларимнинг ҳам санъат йўлини тутиб, қатор респу-блика ва халқаро микёсдаги танловларнинг голиби бўлишида уларнинг панд-насихат-лари, олтиндан қиммат дуоларининг ўрни бениҳоя эҳаллигини ҳар лаҳза ҳис этиб тураман.

Ўтган йиллар давомида жуда кўп расм-лар чиздим. Лекин энг катта орзум — ота-онамнинг биргаликдаги суратларини қозо-га мухрлаш. Эскизлар, уришилган бўлди. Аммо ҳаёлий тасаввуримдаги улар сиймо-си орқали мустақам оиланинг гўзал ифо-дасини ҳали ярата олганим йўқ.

**Рустамжон ЭРМАТОВ,**  
санъатшунос, rassom

## "Муқаддас ҳаёт"

Ҳаётда шундай ин-сонлар борки, улар бо-сиб ўтган умр йўлини бошқаларга намуна қилиб кўрсатса арзий-ди. Ҳам ҳаётда, ҳам ижодда ҳавас қилгулик из қолдирган ҳаюрт-ларимиз ичида севи-ли актёримиз, Ўзбе-кистон Қаҳрамони Зи-кир Муҳаммаджонов-нинг ўз ўрни бор. Яқинда "Ўзбекистон" НМИУ ушбу санъаткор ҳақида "Муқаддас ҳаёт" номли китобни нашр этди.

Китобда таниқли шoir-лар Эркин Воҳидов, Абду-ла Орипов, адиблар Абду-ла Каҳҳор, Комил Яшин, кино ижодкорлари Зоҳид Собитов, Шуҳрат Аббосов, Никита Михалковнинг санъаткор ижоди, унинг халқлараро дўстлик ва тин-чликни мустаҳкамлашдаги ҳиссаси, шахс сифатида дўстлари ҳаётида тутган ўрни хусусидаги фикрлари, хотиралари берилган.

Тарихий образларни та-лқин этиш санъаткордан катта маҳорат ва таҳриба талаб қилади. Шу мезон-

да туриб қараганда, Зи-кир Муҳаммаджонов улғу шахслар образини маро-мига етказиб ижро қилол-ган буюк ва бахтли актёр. Жумладан, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абу Рай-хон Беруний, Алишер На-воий сиймоларининг актёр талқинидаги намоийши халқимиз кўнғилдан чўқур жой олгани юқоридаги фикримизнинг тасдиғи-дир. "Муқаддас ҳаёт" ки-тоби Зикир Муҳаммаджо-нов муҳлисларининг санъ-аткор шахсияти ва ижоди борасидаги таассуротлари янада бойишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Ҳабибулла ИБРОҲИМОВ**

2017-yil 10-may, № 37 (8998)

## Осиё рекорди янгиланди, навбат Жаҳонга...

**Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида 30 апрелдан 7 майгача давом этган бокс бўйича Осиё чемпионати якунланди.**

Бу сафарги қитъа чемпионатида Осиё бокс Конфедерацияси (ASBC)га аъзо 29 мамлакат — Ўзбекистон, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Иордания, Қозоғистон, Жанубий Корея, Мўғулистон, Покистон, Шри-Ланка, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Афғонистон, Малайзия, Бутан, Ливан, Непал, Фаластин, Қатар, Сингапур, Таиланд, Индонезия, Филиппин, Япония, Тайвань, БАА, Ироқ ҳамда Сурия давлатларидан 179 нафар энг кучли боксчи голиблик учун куч синашди. Шунингдек, мусобақада ҳар бир вазн тоифасида кучли 6 нафар спортчи жаҳон чемпионатининг йўлланмасини кўлга киритди. Бу эса Осиё чемпионатида бўлган қизиқишнинг янада ортишига сабаб бўлди.

Эътиборлиси, 10 та вазн тоифасида ўтказилган мусобақанин 9 тасида терма жамоамиз аъзолари финалда рақиблари устидан галаба қозониб, 9 та олтин медални кўлга киритди ва Осиё рекордини янгиланди. Шу пайтгача ўтказилган қитъа биринчиликларида бирор жамоа 9 олтин медални кўлга киритмаган эди. Аввалги рекорд Жанубий Корея терма жамоаси томонидан 1987 йилги Осиё чемпионатида 8 олтин медал билан ўрнатилган эди. Вакилларимиз бу рекордни такрорлаб, уни янгилашга ҳам эришди. Ҳасанбой Дўсматов (-49 кг), Жасур Латипов (-52 кг), Муроджон Аҳмадалиев (-56 кг), Элнур Абдураимов (-60 кг), Икбол Холдоров (-64 кг), Шахрам Ғиёсов (-69 кг), Исроил Мадримов (-75 кг), Бектемир Мелиқўзиёв (-81



кг), Баҳродир Жалолов (+91 кг) олтин медал билан бирга жаҳон чемпионати ҳам йўлланма олди. Мусобақада Ўзбекистон 9 та олтин медал билан биринчи, Қозоғистон 1 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза билан иккинчи, Ҳиндистон ва Мўғулистон терма жамолари эса 2 тадан кумуш ва бронза медаллар билан учинчи ўринни эгаллади. Турнирнинг энг яхши боксчиси аталган соврин эса термамиз аъзоси, Олимпиада чемпиони Ҳасанбой Дўсматовга насиб қилди.

Яна бир боксчимиз Санжар Турсунов (-91 кг) чорак финалда имкониятни бой беришига қарамай ўтиш босқичида рақибини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпионати йўлланмасига эгалик қилди. Шу тарихи боксчиларимиз тўлиқ таркиб билан жаҳон чемпионатида иштирок этадиган бўлди.

Эслатиб ўтаамиз, жорий йилги жаҳон чемпионати 23 августдан — 4 сентябрга қадар Германиянинг Гамбург шаҳрида бўлиб ўтади.

**Шерали НАМОЗОВ**

## Шахмат бўйича хотира турнири

**Пойтахтимизда шахмат бўйича биринчи ўзбек гросмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган "Тошкент опен" халқаро турнирига старт берилди.**

Мазкур халқаро турнир 2007 йилдан буйён аънанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда мамлакатимиз шахмат федерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу нуфузли мусобақадан кўзланган мақсад ёшлар ўртасида шахматни янада оммалаштириш, спортчиларимизнинг тажрибасини ошириш, ўзбек шахмат мактаби имкониятлари ва салоҳиятини кенг тарғиб этишдан иборат.

Мусобақанин очилиш маросимида сўз олганлар юртимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан етук ҳамда соғлом, юксак интеллектуал салоҳиятли этиб вояга етказиш, спортнинг барча турлари қатори шахматни ҳам жадал ривожлантириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида тўхталиб ўтди. Бугун ўзбек шахмат мактаби вакиллари нуфузли халқаро мусобақаларда баланд марраларни забт этаётгани мамнуни-

ят билан эътироф этилди.

Чиндан ҳам, юртимиз шахматчилари барча нуфузли мусобақаларда, jumladan, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, жаҳон шахмат олимпиадаси, Осиё ўйинларида доимий қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаяпти. Бу эса буюк алломлар бешигини тебратган заманимизда вояга етаётган бугунги авлод ҳам уларга муносиб ворис сифатида дунёда ҳеч қимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини исботлаётганидан дарак беради.

— Ўзбекистон — юксак салоҳиятли, иқтидорли шахматчиларга бой мамлакат, — деди мусобақа бош ҳаками Ашот Вардапетян (Арманистон). — Уларнинг жаҳон ареналарида кўлга киритаётган ютуқларини кўриб бутун дунё хайратланипти. Марказий Осиёнинг таникли шахматчиси Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган мазкур турнир эса юртингизда бошқа спорт турлари қатори "ақл гимнастикаси"га ҳам эътибор

юқори эканини билдиради.

Жорий йилги мусобақада юртдошларимиз билан бирга Россия, Арманистон, АҚШ, Беларусь, Озарбойжон, Эрон, Индонезия, Испания, Грузия, Украина, Покистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Афғонистон каби давлатлардан келган юздан ортиқ шахматчи икки гуруҳга бўлиниб, ўзаро баҳслашади. "А" гуруҳида асосий иштирокчилар мусобақалашса, "Б" гуруҳида 12 ёшгача бўлган болалар донга суради. Хотира турнирининг умумий ютуқ жамғармаси 20 минг АҚШ долларини ташкил этади.

11 майгача давом этадиган мусобақада юртимиз шарафини Жаҳонгир Воҳидов, Нодирбек Абдусатторов, Алишер Бекмуродов, Исломбек Синдоров, Ҳумоюн Бегмуродов, Гулрухбегим Тоҳиржоновна, Сарвиноз Қурбонбоева, Гулнор Абдурасулова, Мадинабону Исмоилжоновна сингари ёш бўлишига қарамай, кенг жамоатчиликка танилиб улгурган истеъдодли ёш шахматчиларимиз ҳўмоя қиялпти. Фолиб ва совриндорлар 4 тур натижасига кўра аниқланди.

**МУХБИРИМИЗ**



### КАНАДАЛИКЛАР — АСОСИЙ ДАЪВОГАР

Букмекерлик компаниялари таҳлилчилари 5 май куни Париж шаҳрида старт олган хоккей бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатида қайси жамоа етакчи эканини аниқлашди.

"Букмекерлар рейтингини" манбасида келтирилишича, ушбу терма жамоа Канада хоккейчиларидан иборат бригада экан ва уларнинг мазкур нуфузли мусобақада зафар кучиш имконияти юқори баҳоланмоқда.

Турнирда Шимолий америкаликларнинг галаба қозониш коэффициенти 2,5 (тахминан 30 фоиз) бални ташкил этади. Улардан кейинги ўринда Россия терма жамоаси кўрсатилган. Руслар коэффициенти 3,6 (20 фоиз). Кучли учликка, шунингдек, Швеция терма жамоаси ҳам киритилган — 5,0 (15 фоиз). Чемпион бўлиши эҳтимоли энг паст жамоа сифатида Италия терма жамоаси қайди этилган — уларга 700 коэффициент берилган.

Турнир 21 май куни якунланади.

### РОНАЛДУДАН ЯНА БИР РЕКОРД

"Реал" клуби ва Португалия терма жамоаси хужумчиси, дунёнинг амалдаги энг яхши ўйинчиси Криштиану Роналду футболчилар орасида навбатдаги ўзига хос рекорд соҳиби бўлди, дея хабар берди "Goal.com".

Унда келтирилишича, Криштиану "Instagram" ижтимоий тармоғида очган саҳифасига энг кўп, яъни 100 миллиондан зиёд обуначини жалб этган биринчи чарм тўп соҳиби бўлди.

32 ёшли спортчи бунинг учун ўз саҳифасига жами 1768 фотосурат жойлаштирган. Уларнинг ҳар бири ўртача 56,5 минг нафар обуначи эътиборини тортган. Дунё бўйича умумий ҳисобда К.Роналду — 5-ўринда. Рўйхатда унғача кўшиқчилар — Мазелена Гомес (119 миллион), Ариана Гранде (104), Тейлор Свифт (101) ва Бейонсе (101) номлари турирди. Футболчилар орасида Роналдудан кейинги ўринда "Барселона" ва Бразилия терма жамоаси вакили Неймар (74 миллион) бормоқда.

### УМРБОД ЧЕТЛАШТИРИЛДИ

Грек теннисчиси Константинос Микос ўйинларини олдиндан келишиб олгани учун умрбод профессионал спортдан четлаштирилди, дея хабар берилди "Eurosport" телеканали сайтида.

Теннисда коррупцияга қарши курашиш бўйича тузилган мустақил комиссия тақдим этган маълумотларга кўра, у 2013 йили ўз юртдоши Александрос Якупович билан келишиб, баҳсда галаба қозониши учун рақибига пул таклиф этган. Узи эса букмекерлик идораларининг икки нафар аъзоси билан жинсий тил бириктириб, ўйин натижасини олдиндан маълум қилган ва мўмай пул ишлаб олган. Бунинг учун А.Якупович сал олдин — 2015 йилда умрбод теннисдан ҳайдаганди.

Навбат 25 ёшли галдаги грек ракеткачисига етиб келди. У айни кез ATP рейтингида 1536-қаторда турирди.

### ТОТТИ НИҲОТ КЕТМОҚЧИ

"Football Itali" нашри "Рома" клуби спорт директори Рамон Мончи сўзларига таяниб, мазкур жамоа фахрий футболчиси, таникли хужумчи Франческо Тотти жорий мавсум якунланган, профессионал фаолиятини якунлаши ҳақида хабар қилди.

"Тотти раҳбарият билан профессионал фаолиятини тўхтатиши ва янги мавсумдан бошлаб клуб директори лавозимида ишлаши бўйича келишиб олди", деган Мончи. Мазкур мавсумда 40 ёшни қаршилаган Тотти ўз жамоаси сафида жами 25 баҳс ўтказди ва учта гол урди.

Тотти машҳур италиялик футболчиларнинг аъналарини давом эттириб, ўзи тарбияланган клубига фаолиятининг охиригача содиқ қолаётгани таҳсинга сазовор. У римликлар таркибида илк марта 1993 йилнинг март ойида майдонга чиққанди. Ўтган муддатда у клуби билан 770 матч ўтказиб, 306 голга муаллифлик қилди. Италия чемпиони, икки марта мамлакат Кубоги ва Суперкубоги эгаси, 2006 йилда Италия терма жамоаси билан жаҳон чемпиони бўлди.

**З.ХОЛОВ тайёрлади.**

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитацияга тайёрлаш методик таъминоти бўлими бошлиғи Адҳам Нурқуловга акаси

### Баҳром НУРҚУЛОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар халқ таълими ҳодимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти жамоаси институт катта ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоиди Н.Артиқовга онаси

### Сарвара аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



(Давоми.  
Боши 11-бетда.)

Хос овозининг қандай чиқиши ҳеч кимга маълум эмас. Илк чертилар сознинг, созгар ишининг баҳосини белгилайди. Созанда буюртмасини олиб кетади. Гуёки фарзандимни бериб юбораётгандек бўламан. Сознинг кейинги тақдири билан қизиқиб тураман.

### Педагог, хаттот, тадқиқотчи...

— «Бир йигитга етмиш хунар оз», деган нақл бор. Созгарликдан ташқари яна қандай касб-кор эгасиз?

— Тўнғич акам педагогика институтининг филология факультетининг 1-курсини тамомлаши биланоқ — 19 ёшида урушга кетиб, қайтиб келмади. 1942 йили унинг ҳалок бўлгани ҳақида қоратилди... Опам, ака-укаларим жами беш фарзанд, жўжабирдай жон муҳиш хабардан қалқиб тушдик.

Наманганда «Камалак» билимдонлари кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг замонавий илм-фан ва касб-хунар сирларини пухта ўзлаштириши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намойиш этиши учун яратилаётган шароит ва имкониятлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. «Камалак» билимдонлари аънавий танлови ҳам истеъдодли ёшларни саралаш ва уларни муносиб рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Маданият ва илм-фанининг ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республи-

онамиз тикиб берган халтага сиёҳдон ва китоб-дафтарларни солиб, Кўкча маҳалласидаги 40-мактабга қатнаймиз. Бир куни паҳса деворга оқ латта тортилиб, Англиянинг Мексикага босқини ҳақида кино кўйилди. Фильм қаҳрамонларининг инглизча сўзлашишига чунонам ҳавасим келди. Кино сабаб бўлиб, чет тиллар педагогика институтининг инглиз филологияси факультетида беш йил ўқидим. Ўзбек ва инглиз тили ўқитувчиси ихтисослиги берилгач, ўша даврдаги тартибга биноан Наманган вилояти Чўст туманига ишга жўнатишди. Мактабда менга инглиз, рус тили ва расм дарсини ҳам

кўшиб беришди. Уч-тўрт йил ичида педагогик маҳоратим ошиб, илмий бўлим мудири бўлдим. Қизиқшим сабаб мактаб устахонасида кўпдан бери бузилиб ётган созларни тўзатиб, териб кўярдим.

Тошкентга қайтгач, 1966 йилдан то нафақага қадар Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида, ЎзРФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Кўлёмалар институтининг турли лавозимларда ишладим. 1985 йили «Халқ достонлари ва уларнинг бадиий-таъсирий воситалари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, филология фанлари номзоди илмий унвонини олдим.

# Созгар

Эски ўзбек алифбоси, хат-тотлик санъати бўйича ўрганганларимни талабаларга ўргатдим. «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонига сазовор бўлдим. Миср элчи-хонаси томонидан пойтахтимиздаги Миср маданияти марказида ўтказилган хат-тотлик ишлари кўргазмасида 1-ўринни эгаллаб, хат-тотлик дипломини олдим. Қоғоз узра қалам сурганим маҳсули ўлароқ, 2010 йили «Хат таълими», 2014 йили «Соз ва созгарлик тарихи» китобларим нашрдан чиқди.

Одамзод ўз халқининг миллий-маънавий меросини қанчалик чуқур ўрганса, рухан қувватланар, тетиклашиб бораркан.

— Дунё микёсида миллий созгарлик соҳасига қизиқиш қандай?

— Самарқандда илк бор ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига ҳакамлар ҳайъати раиси сифатида ча-

Англияликлар келди. Лондондаги мусиқий чолғулар музейи ходимлари катта қизиқиш билдирди. Музей вақили Маргарет Берлиннинг таъкидлашича, улар бутун дунёдан чолғу асбобларини йиғиб, экспонатни бойитиш ниятида экан. Отамиз ясаган дуторни уларга тортиқ этдим.

Сулаламиз вақиллари ясаган дутор, танбур, рубоб, чанг, сато, доира каби чолғулар Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон давлат консерваторияси созлар музейи, Россиядаги Осиё халқлари санъати музейи, Англия, Германия ва Франциянинг тарих музейлари бисотида сақланади.

— Созгарликда ўз ечимини қутаётган муаммолар борми?

— Соз ясашга киришган ҳар қандай шогирд сабр-қаноатли бўлиши лозим. Бизнинг соҳага ҳукумат микёсида эътибор берилмоқда.

Юртимиздаги мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган лицей ва коллежлар таълимида миллий чолғуларга кўпроқ урғу берилса, нур устига нур бўларди. Авлодлар миллий мусиқа маданиятимиздан йироқлашиб қолмаслиги керак. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон

давлат консерваториясининг «Ўзбек миллий чолғуларига ижрочилик» кафедраси фаолиятини янада жонлантириш зарур. Кўповозли мусиқа оркестридан кўра ўзимизнинг чолғулардан фойдаланса, нимаси ёмон? Агар шуларга эътибор қаратса, юртимизда миллий созгарлик санъатининг нуфузи яна юксалиб боради.

«Ma'rifat» муҳбири  
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ  
суҳбатлашди.  
Бурхон РИЗОҚУЛОВ  
олган суратлар.

## "Камалак" билимдонлари аниқланди



каси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа ўзаро бахslashди.

Иштирокчилар танишув, сахна кўриниши, савол-жавоб ва ўзлари тайёрлаган ижтимоий лойиҳалар орқали ўз имкониятларини синовдан ўтказди.

Тошкент шаҳрининг «Нурафшон» жамоаси кўрик-танлов ғолиблигини қўлга киритди. Иккинчи ўринни Сурхондарё вилоятининг «Камалак» ёғдуси, учинчи ўринни Наманган вилоятининг «Салоҳиятли ёшлар» жамоаси эгаллади.

— Бугун вилоятимизда «Камалак» болалар ташкилоти сафига 159 мингдан зиёд ўқувчи биришган, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати На-

манган вилояти кенгаши раисининг ўринбосари Дилноза Акромова. — Бундай тадбирлар ўқувчиларнинг билиминини синовдан ўтказиш билан бирга, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ихти-моий фаоллигини ошириш, уларни янада улкан марралар сари руҳлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Кўрик-танлов иштирокчилари учун Наманган шаҳрининг дўққатга сазовор жойларига саёҳат, маданий дам олиш дастурлари ташкил этилди.

Ғолиб жамоалар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

А.САТТОРОВ,  
ЎЗА муҳбири

## Ma'rifat

ТА'СИС  
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазири,  
Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус  
та'лим вазири,  
Ўзбекистон  
Та'лим, фан ва маданият  
ходимлари касба уюшмаси  
Respublika kengashi.

Бosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga  
olingan. Indeks: 149, 150. G-515. Tiraji 52300.  
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;  
kotibiyat — 233-99-15;  
reklama va marketing bo'limi —  
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat» dan  
materiallarni ko'chirib  
bosish tahririyat  
ruxsati bilan amalga  
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan  
qo'lyozmalar taqриз  
qilinmaydi va muallifga  
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:  
100083, Toshkent shahri,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.  
Navbatchi muharrir:  
Abror UMARQULOV.  
Navbatchi:  
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 21.40 Topshirildi — 22.40

123 56